БИБЛИОТЕКА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЧИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 1967 йил 27 май, шанба ◆ № 123. (13.683). ◆ БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ПИЛЛА ДАВЛАТГА

ҚЎШИМЧА МАЖБУРИЯТ

Калинин районидаги «Қорасув» сабзавотчилик совхозининг пилла-чилари давлатга 12,7 ўрнига 14,3 тонна кумуш тола топшириб, бу соҳа бўйича белгиланган планни муддатидан илгари 112 процент адо этдилар.

Совхоз пиллачилари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга қўшимча равишда яна 600 килограмм пилла топшириш мажбуриятини олдилар.

ЯНА 400 КИЛОГРАММ

Бухоро область, Шофирикон районидаги «Ленинобод» колхозининг пиллачилари давлатга 24 тонна аъло сифатли пилла сотиб, планни муддатидан олдин бажардилар. Колхоздаги мавжуд 153 звенонинг ҳаммаси планларини ошириб бажардилар.

Колхоз пиллачилари давлатга яна 400 килограмм пилла етказиб беришга аҳд қилдилар.

110 ТОННА КУМУШ ТОЛА

ТЕРМИЗ, («Совет Узбекистони» мухбири). Улуғ Октябрнинг 50 йиллик тўйини муносиб тўёна билан нишонлаш учун курашаётган Термиз районининг моҳир пиллачилари Жарқўрғон районидан кейин областда иккинчи бўлиб маррага етдилар. Улар ҳозиргача 2115 қутининг ҳар қутисидан пландаги 50 килограмм ўрнига 52 килограммдан, жами 110 тоннадан зиёд пилла сотиб, йиллик топшириқни 103 процентдан ошириб бажардилар.

Тайёрланган маҳсулотнинг қарийб 85 проценти юқори сортларга қабул қилинди.

Термизлик пешқадамлар барча имкониятларни ҳисобга олиб, давлатга пландан ошиқча яна 2 минг килограмм пилла сотиш мажбуриятини олдилар.

МЕХАНИЗАТОР

Механизатор — дала гвардиячиси. У мўл ҳосил учун курашнинг олдинги сафида боруvчи жангчи. Эндиликда қишлоқ хўжалигини механизациясиз тасаввур этиб бўлмаганидек, дала меҳнатчашини механизаторсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Бошдан-оёқ барча ишларни машиналар билан бажариш мумкин бўлган пахтачилигида айниқса механизаторнинг хизмати беқиёс каттадир. Дарвоқе, бундай қарасак, ер ҳайдашдан тортиб чигит экишгача, яганадан тортиб қатор орасини ишлашгача, озиқлантиришдан тортиб чеканкагача, ҳашаротни йўқотиш ва гўзанинг баргини тўкиш учун дори сепишдан тортиб ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган ҳамма иш машиналар гарданига юклатилган.

Партия ва ҳукуматимиз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг олдинги отряди бўлган механизатор кадрларни кўплаб етиштириш, уларни меҳрибонлик билан тарбиялаб ўстиришга катта эътибор бериб келмоқдалар. Республикамиз партия ташкилотларининг бу соҳадаги жуда катта сиёсий, ташкилий ишлари туфайли қишлоқ хўжалигимизда, айниқса пахтачилик соҳасида ишбилармон, талантли механизаторлар армияси ўсиб етишди, камол топди. Буларнинг ҳар бири бир хилдаги эмас, бир неча хилдаги машинани моҳирона бошқарадиган одамлардир. Яна улар ўз машиналарининг ҳар бир қисмини икир-чикиригача биладиган чинакам механик даражасига етмоқдаларки, шу туфайли энг оғир шароитларда ҳам, дала ишларни тиғиз келган вақтларда ҳам машиналар гарданига юклатилган ҳар қандай ишлар муваффақиятли бажарилмоқда. Партиямиз тарбиялаб вояга етказган, Ленин мукофоти лауреатлари Турсуной Охунова, Жавод Кўчиевлар билан, пахтачиликни комплекс механизациялашнинг карвонбошилари бўлган Валентин Тюпко, Манноп Жалолов, Мамажон Дадажонов, Шоймардон Қудратов, Қурбон Кенжаев каби ўнлаб, юзлаб дарғалар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Бизда механизаторлар буюрган ишнигина қиладиган ёки машинанинг қулоғини механик равишда бураб юргузиш билан ўз вазифасини адо этдим, деб ўйлайдиган кишилар эмас. Балки улар техниканинг энг юксак даражада фойдаланиш йўлларини қидирадиган новатор, ташаббускор ва ташкилотчилардир. Шунинг учун ҳам республикамизда кейинги йилларда пахта ҳосилдорлиги комплекс механизациялашган бригада ва звенолар ҳисобига анчагина кўтарилаётир. Айниқса, Тошкент, Сирдарё областларида моҳир механизаторлар бошчилик қилаётган бригада, звенолар ҳосил етиштириш ва уни машиналарда териб олишда ажойиб ғалабаларга эришмоқдалар.

Яқинда Сирдарё областининг механизаторлари йиғилишиб, пахтачилигини комплекс механизациялашни ривожлантириш, прогрессив агротехниканы кенг қўлланиш тўғрисида маслаҳатлашдилар. Улар бу кенгашни расмият ёки тантана учун чақирганлари йўқ. Сирдарёликлар пахтачилик тараққиёти талаблари даражасида бориш, бу борада ўз олдиларига қўйилган вазифаларни яна ҳам чуқурроқ ҳис этганликларини баён этиш учун йиғилдилар. Маълумки, Сирдарё областида бошқа областларга қараганда ишчи кучи кам, иш ҳажми эса кўп, деҳқончиликнинг ҳамма оғирлиги техниканинг гарданига тушади. Шуни ҳисобга олиб, область механизаторлари пахтачиликда фақат техникага таянишни илгари сурмоқдалар. Уларнинг бу ҳаракати юқори онглилик, ватанпарварлик намунасидир. Сирдарёликлар ташаббусини кенг ёйиш, уни бутун республикамиз механизаторларининг оммавий ҳаракатига айлантириш пайти етди.

Ҳамма ишда механизаторларимизнинг жўшқин меҳнати, оғир дамлардаги бардоши, долзарб пайтлардаги сабот-матонати катта-катта муваффақиятларнинг гарови бўлмоқда. Бу йил об-ҳаво ниҳоятда оғир келишига қарамай, республикамизда чигит экиш муваффақиятли тугалланай деб турган бир пайтда уст-устига сел, жала, дўл ёғиб, жуда кўп далаларни пайхон қилди. Бутун-бутун хўжаликлар, ҳатто районларда чигитни қайта экишга тўғри келди. Механизаторларимиз қайтадан жанговар курашга отландилар. Уларнинг вақт билан ҳисоблашмай қилган фидокорона меҳнати туфайли табиий офат оқибатларини жуда қисқа муддатда тугалланди. Биргина мисолни олайлик: Хўжаобод районидаги «Ўзбекистон», «Ленинград», Калинин номли колхозлар селдан катта зарар кўрган эди. Бу ерларда барча механизатор оёққа турди. Уч кун ичида ҳамма ерга қайтадан чигит экиб чиқилди. Ғўза кўрпиниши билан қатор орасига культиватор солинди. Натижада экин тез ривожлана бошлади.

Механизаторларимиз жасорати олдида табиат бўйсунмоқда, офатлар енгилмоқда. Янги ерлар, қўриқларнинг нўноқ очилиб, унда яшириниб ётган бойликлар тортиб олинмоқда. Механизаторларимиз ана шундай қудратли кишилар, улар ижодий меҳнатлари билан эл-юртнинг ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Партия ташкилотлари энг илғор, янги нарсаларнинг ижодчиси, ташкилотчисидир. Механизатор — қишлоқнинг илғор кишиси. У ўзига топширилган машинани оқилона бошқариш учун ижод қилади, изланади. Унга ҳар жиҳатдан ёрдам бериш партия, совет ташкилотларининг бурчидир. Машина соз бўлса, механизаторнинг қўлида тулпордек кишнайди, носоз бўлса-чи, у бир тўда темир, оғир юк бўлиб ётаверади. Ахир, ҳар жиҳатдан мукаммал бўлган заводда ҳам кичкина бир винт ишламаса, бутун бошлиқ станок тўхтаб қоладику! Демак, механизаторнинг яхши ишлаши учун унинг машинаси ҳар жиҳатдан мукаммал бўлиши шарт. Афсуски, баъзи хўжаликларнинг раҳбарлари унга тегишли баҳо бера билмайдилар. Улар механизаторнинг бир кунлик иши бир неча кун, ҳатто бир мавсумнинг ишига таъсир қилишини билганлари ҳолда, арзимаган нарса учун машинадорнинг тўхтаб қолишига сабабчи бўладилар. Ҳали қисм етишмайди, ҳали ёқилғи йўқ ва ҳоказо. Термиз районида юзга яқин культиватор ҳанузгача ремонт қилинмай ётади. Бир неча ўнлаб чопиқ трактори запас қисм йўқлиги учун ишга туширилмаган. Районда эса ғўзанинг дастлабки культивацияси ниҳоятда кечикмоқда. Бу аҳволда механизаторлар қандай қилиб, нормал ишлай олади. Бегамлик, масъулиятсизлик кайфиятларига нисбий зарба бериш керак. Механизаторга шундай шароит яратиш лозимки, у пайкал бошидан тўппа-тўғри эгатга пўлат отини суриб кетсин, у иш вақтида ҳеч нарсага муҳтож бўлмасин.

Юбилей йилида республикамиз пахтакорлари давлатга 4 миллион тонна «оқ олтин» армуғон этадилар. Бу катта курашнинг олдинги сафида механизаторларимиз боради, албатта. Партия ташкилотларининг вазифаси уларнинг яратувчанлик меҳнатини қадрлашдан, меҳрибонлик билан чулғаб олишдан иборат. Ҳар бир механизаторнинг тарихий йилда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида катта-катта ютуқларни қўлга киритишига эришайлик! Бу — барча коммунистларнинг жонажон ишидир.



Андижон районидаги Серго номли колхознинг Исмоил Матқосимов бошлиқ бригадасида ғўза парваришни намунали ташкил этилган. Культивация, сугориш, ўғитлаш бир-бирига боғлаб олиб борилаётир. Суратда: бригада механизатори Бўрибой Умаралиев ғўза қатор ораларини культивация қиляпти. У. Раҳимов фотоси.

ТЕХНИКА СОЗ БЎЛСА

Ҳўжалигимиз механизаторлари Тожикистон ССР Регар районидаги Ленин номли ва Тошкент область, Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз аъзоларининг юбилей йили мўл ҳосили учун бошлаган ўзаро социалистик мусобақасини зўр қувонч билан кутиб олдилар. Мусобақадошларнинг ҳатларини механизаторлар кенг муҳокама қилиб, ишни шу асосда ташкил қилдик.

Бу йил 1164 гектар майдонда ҳосил етиштирамиз. Ҳар гектар ердан бултургидан 4 центнер кўп — 26 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш мажбуриятини олганмиз.

Ана шу улуғ мақсад йўлида кузда бошлаб мўл ҳосил пойдеворини мустаҳкамлашга киришган эдик. Майдонларни текислаш, ўғитлаш ва экишга тайёрлаш ишларини ўз вақтида сифатли ўтказдик. 11 ҳайдов трактори кеча-кундуз далада тўла қувват билан ишлатилди. 14 та экиш сеялкасида чигит экиш билан бир вақтда ўғит бериб борилишини таъминладик. Ҳожи Жўмаев, Неъмат Наврўзов каби механизаторлар ўзаро мусобақалашиб, кунига 6-7 гектар майдондаги ёш ниҳолларни сифатли парвариш қилаётирлар. Парвариш даврида гўза азот ва фосфорли ўғит билан озиқлантириб борилмоқда.

Қаторда норингбўлса юкинг ерда қолмайди, дейди доно халқимиз. Тўғри, қўлимизда қудратли техника бор. Уларни соз ва унумли ишлатиб юбилей йилидаги юксак мажбуриятларимизни тўла бажарамиз.

Н. ҲАСАНОВ,
Ромитан районидаги Куйбишев номли колхозининг инженери.

ҚАРДОШЛАР МУСОБАҚАСИ

Телефонда: РЕГАР.

Ўзбекистон ССР Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли ва Тожикистон ССР Регар районидаги Ленин номли колхозлар аъзоларининг икки қардош республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўртасида давом этиб келаётган традицион мусобақани юбилей йилида янада авж олдириш ва пахта ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги ахду паймонлари, Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз раиси Усар Жўраев ва Ленин номли қолхоз раиси Аскарали Мирзаев ўртоқларнинг мусобақа шартларини кўрсатиб, бир-бирларига ёзган мактублари газеталарда босилиб чиққанига роса икки ой бўлди. Икки хўжалик бошлаб берган бу ташаббус бизнинг республикамизда ҳам, Тожикистон ССРда ҳам чинакам оммавий ҳаракатга айланди.

Мусобақа бошлашга қарор қилинган пайтда чигит экишга тайёргарлик кўрилаётган эди. Мусобақадошлар ўз устларига олган мажбуриятларни бажарши юзасидан қандай ишлар қилаётганликларини билиш учун редакция Ленин номли колхоз билан телефонда боғланиб, правление раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Аскарали Мирзаев билан суҳбатдош:

Редакция — Сизга ва колхозингизнинг барча аъзоларига, сизлар орқали қардош Тожикистоннинг меҳнат аҳлига салом.

Мирзаев — Саломат бўлинглар, катта раҳмат. Саломларингизни колхозимизнинг барча аъзоларига ва имкониятини топиб республикамизнинг ҳамма меҳнаткашларига албатта етказаман.

Редакция — Колхозчиларингизнинг кайфияти яхшими, ишларингиз қалай?

Мирзаев — Колхозчиларимизнинг кайфи чоғ. Улар юбилей йилида пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириш мақсадида далаларда, чорвачилик фермаларида, ғаллазорларда ҳормай-толмай меҳнат қилишяпти.

Редакция — Ўзбек пахтакорлари колхозингизда ғўза парвариши қандай олиб борилаётгани билан қизиқишмоқда. Шу ҳақда гапириб берсангиз.

Мирзаев — Тўғри, бизнинг республикада ҳам Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоздаги ишларнинг аҳволини билиб туришга қизиқиш зўр. Узимизда ишга келсак бундай: барча пахта майдони чигит экишга барвақт тайёрланди. Экиш олдидан ердаги намни сақлаб қолиш мақсадида борона-лашга, бегона ўтларнинг томирини теріб олиб, ерни тозалашга, баъзи қотиб қолган майдонларни юмшатишга зўр бердик. Чунки бултур ҳам шундай қилганимиз учун чигитни барвақт ва сифатли экиб, уни бир текис ундириб олиб, дарҳол ғўза парваришини бошлаб юборган эдик.

Шу туфайли бу йил баҳорда қўлимиз ушланмади. Чигитни барча майдонга апрель ойи ичида сифатли қилиб экиб текис ундириб олдик. Сўнг пешма-пеш яганалаш, экинни культивация қилиш ва озиқлантиришни бошлаб юбордик. Олди ғўзаларда ҳозир 6-7 тадан чин барг бор. Айрим пайкаллардаги экин шоналай бошлади.

Редакция — Ғўзанинг ривожи ўтган йилдагига нисбатан қандай?

Мирзаев — Ғўзамизнинг ўсиши ўтган йилдагидан ёмон эмас. Лекин, апрель ойининг охири ва май ойининг бошида об-ҳаво шароити кескин ёмонлашиб кетди, кўп ёмғир, ҳатто дўл ёғиб, ҳарорат пасайди. 1527 гектар майдондаги ғўзани дўл уриб нобуд қилди. Бироқ, табиий офат ва унинг оқибатида келиб чиққан қийинчиликлар колхозчиларимизнинг руҳини тушира олмади, қатъиятини бўшатира олмади. Ҳамма далага кўчиб чиқди. Пахтакорларимиз бир ғайратга-ўн ғайрат қўшиб ишлашди. Оқибатда дўлдан зарарланган майдонларга бир неча кун ичида қайта чигит экиб, уни ундириб олдик. Сўнг дарҳол яганалашга киришиб, бу муҳим агротехника тадбирини ҳам тез ва сифатли тамомладик.

Редакция — Кейинги кунларда ҳаво пасайиб кетди. Олимларимиз, тажрибакорларимиз культивацияга зўр бериш, озиқлантиришни кучайтиришни маслаҳат беришяпти. Сизлар қандай қиляпсизлар?

Мирзаев — Жуда тўғри фикр. Биз ҳам шундай қиляпмиз. Далада СУЗ аппаратларини ўрнатилган 41 та культиватор ишлаб турибди. Ернинг захри кўтарилгани йўқ. Бунинг устига ҳаво паст. Ғўза қатор орасини юмшатиб, шамоллатиш, озиқлантириб, барини иситиш билангина экинни ривожлантириш мумкин. Мусобақадошларимизнинг аҳволидан, кейинги ишидан хабаримиз йўқ. Билсак кўнглимиз тинчир эди.

Редакция — Мусобақадошларингиз ҳам анча ерга чигитни қайта экишди. Бутун республикадаги каби Ҳамроқул Турсунқулов номли колхозда ҳам об-ҳаво шароити ноқулайлашгани сабабли юз берган қийинчиликларни тез бартараф этиш юзасидан зарур чоралар кўрилди. Колхозда барча майдонда яганалаш тугалланай деб қолди. Узбекистон пахтакорлари ва шу жумладан мусобақадошларингиз олимларнинг маслаҳатига асосан ҳозир яганалашни тезлаштириш билан бир қаторда, экинни азотли ва зарур бўлган жойларда яна калийли ўғитлар, минерал ҳамда органик ўғитлар аралашмаси билан озиқлантириш, ёш ғўзанинг бақувват ва соғлом бўлиб ўсиши учун қулай шароит яратишга алоҳида эътибор беришяпти.

Мирзаев — Бу жуда яхши. Аввало Ўзбекистоннинг ҳам, Тожикистоннинг ҳам иқлими кўрғоқ, ердаги нам тез кўтарилиб кетиши турган гап. Қолаверса, ёмғир суви дарё сувининг ўрнини сира босолмайди. Шу туфайли ҳозир ғўзани сугориш жуда зарур. Биз ҳам шундай қиляпмиз.

Редакция — Юз берган қийинчиликлар сабаби билан илгариги олинган мажбуриятлар ўзгарганми йўқми?

Мирзаев — Деҳқонларимиз қийинчиликлардан қўрқадиган, берган ваъдасидан қайтадиган одамлар эмас. Бултур ҳам шу пайтда пахта майдонининг бир қисмидаги ғўзани дўл уриган эди. Лекин шунга қарамай, пахтакорларимиз мўл ҳосил етиштиришди. Бу йил ҳам албатта шундай бўлади. Биз табиий офат оқибатларини тўла бартараф этдик ва колхоз аъзоларини бир жойга тўплаб, уларнинг фикрини сўрадик. Ҳамма бир оғиздан: илгари олинган мажбурият ўзгармай қолади, бунинг устига ҳар гектаридан илгари ваъда қилинганидек 40 центнер эмас, балки 41 центнердан ҳосил етиштирамиз дейишди. Шундай қилиб, бу йил биз 1.986 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 41 центнердан «оқ олтин» олиш учун курашамиз. Буни мусобақадошларимизга айтиб қўйишларингизни илтимос қиламиз.

Редакция — Юқори ҳосилли бригада, звеноларда иш қандай?

Мирзаев — 96 гектар майдоннинг кўпчилик қисмига чигитни қайта экқан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жўра Раҳмонов бошлиқ бригада аъзолари гектаридан 50 центнердан ҳосил оламиз, дейишяпти. Турсунмурод Қосимов бошлиқ бригада аъзолари эса 104 гектар майдоннинг ҳар гектаридан бундан ҳам кўпроқ ҳосил олиш ниятида. Бу бригадада ҳозир иккинчи комплекс парвариш тугалланди, ғўза шоналади.

Редакция — Мусобақа шартларида бу йил фақат пахта эмас, балки бошқа деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳам кўпайтирилади, дейилган. Бу соҳада қандай ишлар қилиняпти?

Мирзаев — Колхозимиз аъзолари юбилей йилида хўжаликнинг барча тармоқларини, хусусан чорвачиликни тез суръатлар билан юксалтириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш, шу тариқа гўшт, сут, тухум етиштиришга тайёрлашни кўпайтириш чораларини кўряптилар ҳамда яхши натижаларга эришяптилар. Давлатга 170 тонна гўшт, 315 тонна сут, 370 минг дона тухум сотилиб, бу соҳадаги ярим йиллик планлар тўла бажарилди. Бу йил 130 центнер жун тайёрлаш юзасидан олинган мажбурият ҳам, шунингдек гўшт, сут, тухум етиштириш ва давлатга сотиш соҳасида берилган ваъда ҳам албатта бажарилади. 315 қути ипак қурти уруғидан давлатга 17.700 килограмм пилла топширамиз деб ваъда берганмиз. Пиллани теришга киришдик.

Редакция — Ишларингизда, юбилей йили учун олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун олиб бораётган курашларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Мирзаев — Яхши истакларингиз учун катта раҳмат. Биздан ва биз орқали Тожикистон меҳнаткашларидан Ўзбекистоннинг барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига, мусобақадошларимиз — Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз аъзоларига самимий салом айтишингизни илтимос қиламан. Улар бизга ишонаверишсин. Биз пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштиришда, олинган юксак мажбуриятларни тўла бажаришда юбилей йилига хос ғайрат-матонат кўрсатиб ишлаб, катта ғалабаларни қўлга киритамиз. Айни вақтда қардош Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашларига ва хусусан мусобақадошларимизга ишларида, олинган мажбуриятларини бажариш учун олиб бораётган курашларида муваффақиятлар тилаймиз.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК

СССР Олий Совети Президиумида

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш планларини бажариш, мелиорация ишларини ўтказиш соҳасида эришилган муваффақиятлар илмий тадқиқотларни ишлаб чиққанлик ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жорий қилганлик учун СССР Олий Совети Президиуми илғор колхозлар, совхозлар, паррандачилик фабрикалари, наслчилик заводлари, ўрмон ва сув хўжалиги ташкилотлари, «Сельхозтехника» ва тайёрлов органлари корхоналари ва ташкилотлари, лойиҳалаш, қурилиш ва илмий тадқиқот ташкилотларини СССР орденлари билан мукофотлади.

Ленин ордени билан 134 ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан 178 хўжалик, корхона ва ташкилот мукофотланди.

Мукофотланганлар қаторида 150 колхоз, 110 совхоз, наслчилик заводи ва паррандачилик фабрикаси, 28 тажриба станцияси ва илмий тадқиқот институти ҳамда 24 бошқа корхона ва ташкилот бор, булардан:

ЎЗБЕКИСТОН ССР БЎЙИЧА

ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН

Андижон область, Қўргонтепа районидаги **«Савай»** совхози, Сурхондарё область, Денов районидаги **«Ҳазорбоғ»** совхози.

Сирдарё область, Жиззах районидаги **«Москва»** колхози.

Сирдарё область, Пахтаорол районидаги **«Пахтаорол»** совхози.

Тошкент область, Оққўрғон районидаги **«Ўзбекистон ССР беш йиллиги»** совхози.

Фарғона область, Поп районидаги **Ленин** номли колхоз.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Андижон область, Ленин районидаги **«Правда Востока»** колхози.

Бухоро область, Конимех районидаги **«Конимех»** давлат наслчилик заводи.

Қашқадарё область, Шаҳрисабз районидаги **Ленин** номли колхоз.

Самарқанд область, Нурота районидаги **«Нурота»** давлат наслчилик заводи.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлигига қарашли **қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё илмий тадқиқот институти**, Тошкент области.

СССР мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ҳузуридаги «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли **«Средазгипроводхлопок» давлат лойиҳалаш-қидириш ва илмий тадқиқот институти**, Тошкент шаҳри.

«Сельхозтехника» Тошкент область бирлашмасининг **Қўйлиқ ремонт-механика заводи.**

Хоразм область, Ҳазорасп районидаги **Нариманов** номли колхоз.

Қорақалпоғистон АССР, Тўрткўл районидаги **М. Горький** номли колхоз.

БЕШ ОЙЛИК ПЛАН МУДДАТИДАН ОЛДИН БАЖАРИЛДИ

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, республика саноат корхоналарининг коллективлари Совет ҳокимиятининг эллик йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақага қўшилиб, ялпи маҳсулот чиқариш ва кўпгина муҳим буюмларни ишлаб чиқариш беш ойлик планини муддатидан олдин — 1967 йил 27 майда бажардилар. (ЎзТАГ).

ЛЕНИН ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

МОСКВА, 26 май. (ТАСС). Бугун Катта Кремль саройида Ёзувчилар съездининг мажлисида СССР Ёзувчилар союзига Ленин ордени топширилди. Залда Коммунистик партия билан Совет ҳукуматининг раҳбарлари ўтиришибди. Олий мукофотни топширган СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний съезд делегатлари ва меҳмонларига қарата нутқ сўзлади.

СССР ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ IV СЪЕЗДИ

Илгари хабар қилинганидек, 25 майда Катта Кремль саройида СССР ёзувчиларининг IV съезди ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлисда раислик қилувчи **К. Симонов** ҳамманинг қарсаклари остида 25 майда Африка озодлиги куни нишонланиши ҳақида эълатиб ўтди.

Шундан кейин докладлар юзасидан музокаралар давом этади.

К. Яшин (Ўзбекистон) сўз олади.

К. Яшин адибларнинг меҳнатига юксак баҳо бериб, СССР Ёзувчилар союзи Ленин ордени билан мукофотланганлиги учун партия ва ҳукуматга ташаккур изҳор қилади.

Бутун совет адабиётининг ажралмас қисми бўлган ўзбек адабиётининг тарихи, дейди нотиқ, социалистик реализмнинг ҳаётбахш методи билан ёритилган. Бу адабиёт ўз тараққиётининг барча босқичларида халқнинг ижодий ишларини, унинг фидокорона меҳнатини, совет характерига хос олижаноб ҳислатларни акс эттириб келди. Ўзбек адабиёти ўз тараққиётининг барча босқичларида рус адабиётининг тажрибасидан баҳра манд бўлиб келди. К. Яшин ярим аср мобайнида ўзбек ёзувчилари яратган бир қанча асарларнинг номларини айтади ва бу асарларни улуғ эллик йиллик салномаси деб таърифлайди.

Нотиқ ўзбек прозаси, поэзияси, драматургияси, шубҳасиз, катта муваффақиятларга эришганлигини қайд қилади ва шу билан бирга бу соҳадаги баъзи нуқсонларни ҳам кўрсатиб ўтади. К. Яшин таржимонларнинг фаолияти тўғрисида миннатдорчилик билан гапириб, уларнинг таржималаридаги зайф томонларни ва таржималар баъзан оригиналларга мос келмаётганлигини ҳам таъкидлайди. У, тар жимон кадрларни тайёрлашда республика нашриётларига ёрдам беришни таклиф этади.

Мартти Ларни (Финляндия) Совет Иттифоқи билан Финляндия ўртасидаги муносабатларда вужудга келган яхши традицияларга тўхталиб ўтади. Бу вазифалар — инсоний бойликларни ҳимоя қилишдан, ҳаёт учун, киши ҳаётининг қувончи учун курашни ҳаётбахш ва таъсирчан воситалар билан акс эттиришдан иборат. М. Ларни съездга ҳар жиҳатдан муваффақият, ижодий руҳ ва яхши қаролар тилайди.

Армия генерали **А. Епишев** СССР мудофаа министри ва Совет Армияси ҳамда Ҳарбий Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармаси номидан барча совет жангчилари номидан съездга жанговар салом топширади. Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи айтадики, совет жангчилари совет адабиётини астойдил севадилар. Бу составини ва барча меҳнаткашларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жуда муҳим роль ўйнайди. Совет адиблари ҳарбийларнинг оғир меҳнатини ёрқин ва ҳаққоний суратда ёритувчи кўплаб асарларини, жангчиларни ва командирларни чуқур ватанпарварлик туйғулари руҳида, халқ учун жасурлик кўрсатиш ва ҳар қандай қурбон беришга тайёр туриш руҳида тарбиялашга ёрдам бераётган асарларни яратдилар.

А. Епишев Ленин партияси тарбиялаб чиниқтирган ва раҳбарлик қилаётган Совет Қуролли Кучларининг шонли тарихини ҳикоя қилувчи янги китоблар пайдо бўлади, деб ишонч билдирди. Ватан ҳимоячиларининг, Ленин партияси ишига, коммунизм ишига содиқ бўлган кишиларнинг маънавий қиёфасини очиб берадиган янги, бадиий жиҳатдан юксак асарлар яратилади.

Съезд делегатлари **Костас Кодзнасни** (Греция) гулдурос, давомли қарсаклар билан қутиб оладилар. Мен, дейди у, Совет ёзувчиларининг IV съездида иштирок қилиш имкониятига эга бўлганлигим туфайли бахтиёрман.

Грецияда санъат ва фан соҳасида яратилган парсаларнинг ҳаммаси ҳозирги вақтда барбод этилмоқда. Ҳозир Греция маданий ҳаётдан маҳрум бўлиб қолди. Фашизм менинг мамлакатимни маданият қабристонига айлантирди. Фашистларнинг 21 апрелдаги тўнтариши жаҳон реакцияси кучлари ва асосан АҚШдаги милитарист доиралар томонидан Греция доирасидан ҳам ташқари чиқиб кетадиган мақсадларда Европада қилинаётган ошкора зўравонликдан бошқа бир нарса эмас. Мамлакатда фашизмнинг янги формаси ўрнатилди. Ишчилар синфи билан бирга матбуот ва маданият ҳам зарба остида қолди. Ҳозирги пайтда адабий жўрналлар чиқмаётир, нашриётлар ёпилмоқда, ноширлар таъқиб этилмоқда. Машҳур сиёсий арбоблар, шу жумладан, Манолис Глезосдан ташқари адабиёт ва санъатнинг кўпгина арбоблари ҳам қамоққа олинди.

(Давоми иккинчи бетда).

«Тошкентстильмаш» заводи ишлаб чиқарган маҳсулотлар мамлакатимизнинг турли корхоналарида, чет элдаги кўплаб ишхоналарда қўл келмоқда. Корхона коллективи турли хил тўқимачилик машиналари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун ҳаракат қилляпти. Суратда: йиғувчи слесарь коммунист Уринбой Алимов. У Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига бошланган мусобақада яхши натижаларга эришмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

ХУШХАБАРЛАР

● Калинин районининг деҳқонлари Сибирь селекциячилари яратган картошканинг «Седов», «Приекульский ранний» ва «Лорха» эртаги навлари янги ҳосилининг дастлабки туркумини Тошкент шаҳрининг бозорларига келтирдилар. «Қорасув» совхозида ҳар гектар ердан пландаги 12 тонна ўрнига 20 тоннадан картошка йиғиштириб олинмоқда.

Тошкент областидаги хўжаликлар бу йил картошканинг эртаги навлари экиладиган майдонни 715 гектарга кенгайтирдилар.

● Самарқанд областининг деҳқонлари маккажўхори экишни республикада ҳаммадан олдин тамомладилар. Яхши ишланган ва ўгитланган 19 минг гектардан кўпроқ майдонга уруғ экилди. Барвақт экилган участкаларда ҳозир маккажўхорининг нўк пояси бир метрча бўй бериб қолди. Емғирнинг тез-тез ёғиб турганлиги ўсимликларнинг тез ривожланишига ёрдам бермоқда.

● Фарғона областининг механизаторлари тупроққа қовун ва тарвуз уруғини экишни Ўзбекистонда биринчи бўлиб тамомладилар. Бу ерда ана шу озиқ-овқат экинни 2 минг гектардан кўпроқ майдонга экилди.

СССР ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ IV СЪЕЗДИ

(Бошн биринчи бетда)

Грецияда қаршилик кўрсатиш ҳаракати яна етилмоқда. Мамлакатдан олинган кейинги хабарлар диктатурага қарши курашнинг бирлашган миллий фронти вужудга келтирилаётганлигидан далолат беради. Курашнинг асосий оғирлиги демократик грек халқи зиммасига юкланганлигига шак-шубҳа йўқ.

Костас Кодзиас сўзининг охирида совет ёзувчиларининг IV съездини табриклади ва Совет Иттифоқининг адибларига янги ижодий муваффақиятлар тилади.

Съезд делегатлари ва меҳмонлар Костас Кодзиасни қизғин табриклайдилар.

Раислик қилувчи К. Симонов грециялик меҳмонга мурожаат қилиб қуйидагиларни айтади:

— Дўстимиз Костас Кодзиас! Съезд делегатлари ва меҳмонлари ўринларидан туриб сизни минбардан кузатиб қолганликларини, бу билан Грециянинг курашаётган халқига нисбатан самимий хайрихоҳ эканликларини ва Грециядаги янги фашизмга нафрат билан қараётганликларини изҳор қилганликларини Грецияга маълум қилмоқ учун имконият топарсиз, деб ўйлайман.

Б. Кербобоев (Туркманистон) Октябрь натижасида ўз қиёфасини ўзгартирган туркман диёри тўғрисидаги, Туркманистон кишиларининг маънавий камолати ҳақидаги гаплар билан ўз нутқини бошлади.

Б. Кербобоев ёш соғлом кучларнинг адабиётга кириб келаётганлигига ижобий баҳо берди ва айни вақтда баъзи ёш ёзувчиларнинг китоблари мавзу жиҳатидангина эмас, балки баён этиш усули жиҳатидан ҳам бир-бирига ўхшаб кетаётганлигидан ташвишланаётганлигини съезд делегатларига айтди.

Ёзувчиларимиз ҳозирги замоннинг билимли, синчков, бесаранжом китобхонларининг талабларини ҳамиша ҳам қондираётирлар деб бўлмайди. Нотиқ кўп миллатли совет адабиётининг буюк тарбиявий роли ҳақида гапириб, ёзувчининг ўзи ақл-идрокини доим ўстира бориши зарур, дейди.

«Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти лауреати **Пабло Неруда** (Чили) минбарга чиқади. У, А. С. Пушкин туғилган кунининг 150 йиллиги байрами кунларида Совет Иттифоқига биринчи марта келганлигини ва совет адабиёти эллик йилдан бўён Пушкин традицияларини давом эттириб ривожланиб келаётганлигининг шоҳидн бўлганлигини шеърий формада ҳикоя қилиб берди. Совет ёзувчилари ўз миллатларини ғоят севадилар ва шу билан бирга бошқа мамлакатларнинг маданиятларини ҳам қадрлайдилар. Революция натижасида вужудга келган ёзувчилар китобнинг барча томонидан севилиши ва ҳурмат қилиниши учун қўлларидан келган ҳамма чораларни кўрдилар.

Совет Иттифоқининг ёзувчилари фашизмга қарши уруш йилларида Октябрнинг юксак инсонпарварлигини ҳимоя қилмоқ учун ўз қонлари ва ўз сўзларини аямадилар, ўз муҳаббатлари ва ўз қаҳр-газабларини изҳор қилдилар.

Бизнинг съездимиз, — деди **А. Тимошен** (РСФСР) ўз нутқида, жаҳон маданиятининг диққат марказида турибди. Саньаткор ҳозирги дунёдаги мураккаб кураш вазиятида ким билан бориши керак, деган саволга биздан, совет ёзувчиларидан жавоб кутмоқдалар. Ёзувчи ҳамиша идеологик фронтнинг олдинги сафларида борган совет адабиёти ҳақида фахрланиб гапиради.

Бир оз танаффусдан кейин раислик қилувчи **М. Иброҳимов Н. Грибачевга** (Москва) сўз беради. Нотиқ қаламкаш ўртоқларини хотиржамликка бериб кетмангиз, деб огоҳлантиради. У, жаҳондаги вазият кескинлашганлиги тўғрисида, уруш ҳиди бурқиб турганлиги ҳақида гапиради.

Йожеф Дарваш (Венгрия) съездни табриклайди.

Йожеф Дарваш айтадики, Венгрия ёзувчилари номидан ва уларнинг топширувига биноан, сизларни, совет ёзувчилари IVсъезди делегатларини самимий қардошлик меҳр-муҳаббати билан қутлайман. Ҳар бир совет ёзувчисининг ўз ижодий ишларида янгидан-янги муваффақиятларга эришувини тилашга ижозат бергайсиз. СССР ёзувчилар союзи Ленин ордени билан мукофотланганлиги туфайли самимий қутловларимизни ҳам қабул қилгайсиз.

Йожеф Дарваш ўз нутқида «инсон учун, инсонпарварлик идеяларининг тантанаси учун, инсониятнинг келажаги учун» жавобгарлик каби муҳим масалани кўтаради. Венгер ёзувчиси ўзгартирилаётган жамият воқелигини юксак бадиий савияда поэтик тасвирлаб бериш зарур эканлигини таъкидлайди. Бундай позиция, деб сўзини тамом қилади нотиқ, шу съезд ўз ишларида асосланган идеяларга — Октябрь революцияси ва Ленин идеяларига тамомила мос эканлигига аминман.

К. Симонов (Москва) ўз нутқида Ёзувчилар союзи ҳарбий—бадиий адабиёт кенгашининг ишига ва адибларнинг Улуғ Ватан уруши тўғрисида қай тариқа ёзаётганликларига катта эътибор берди. У ўтган урушни ҳозирги совет адабиётида ёритишга тааллуқли бир қанча муҳим масалаларни кўтарди. Нотиқ ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, Ватанни ҳимоя қилиш учун уларни ҳар томонлама тайёрлаш вазифалари тўғрисида гапирди.

Жозеф Норт (АҚШ) съездни табриклайди. Мен шу нарсага аминманки, деди у, ҳозирги Америка тўғрисидаги ҳақиқатни 15 апрелда жуда катта намойишлар бўлиб ўтган Нью-Йорк ва Сан-Франциско кўчаларидан излаш керак. Бу ерда Вьетнамдаги урушга қарши норозилик билдирган ёзувчилар ва рассомларнинг ташаббуси билан вужудга келган ҳаракат байроғини кўриш мумкин эди.

Нотиқнинг айтишича, америкаликларнинг кўпи ҳозирги пайтда урушга қарши чиқишдан ҳам заррроқ иш йўқлигига ишонч ҳосил қилди.

Захария Станку (Руминия) совет ёзувчиларини табриклаб, совет адибларининг съезди билан Октябрь революциясининг улуғ йиллиги чамбарчас боғланганлигини таъкидлади. З. Станкунинг сўзлари билан айтганда, «табиат қонунлари бир-бири билан нечоғлик боғланган бўлса, ана шу алоқа ҳам шу қадар табиийдир».

Руминиялик меҳмон ўз нутқининг талайгина қисмини ёзувчининг янги кишини камолатга етказишдаги ролига бағишлади. Совет давлатининг ярим асрлик тарихи, дейди у, ўз халқи олдида ва бутун инсоният олдида маънавий жавобгарликни сезадиган янги типдаги ёзувчини вужудга келтирди.

Марксизм-ленинизм идеяларига содиқ бўлган ёзувчининг роли тобора ўсмоқда. Ихтилофларгина эмас, балки бомбалар ҳам жаҳонга тахдид қила ётган экан, империализм Вьетнамдаги ваҳшиёна ҳаракатларини давом эттира ётган экан, мазлум халқларни қўллаб-қувватлашга, тинчликни ва келажакни ҳимоя қилишга қаратилган сўзимиз барала эшитилиши керак.

Мен шу нарсага аминманки, дейди сўзининг охирида З. Станку, Октябрь 50 йиллигининг Руминияда байрам қилиниши мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама маданий ҳамкорликни кучайтириш ишига ўз ҳиссасини қўшади.

Ёзувчилар тўрт съездининг ҳаммасида қатнашган **А. Сурков** (Москва) айтадики, янгидан сайланадиган правление ижодкор ёзувчилар ташкилотининг маънавий ҳаёти билан, адабиётнинг тараққиётига йўл кўрсатувчи журналларнинг фаолияти билан жиддий ва актив шуғулланиши керак.

Нотиқ Европадаги коммунистик ва ишчи партиялар Карлова Вари конференциясининг қарорлари тўғрисида, СССР Ёзувчилар союзининг халқаро майдондаги фаолиятида бу қарорларни эътиборга олиш зарурлиги ҳақида гапиради.

Халдун Танер (Туркия) сўзга чиқади. Камол Отатуркнинг номи, дейди у, Яқин Шарқ халқларининг империализмга қарши озодлик кураши рамзидир. Камол Отатурк ўзининг яқин дўсти ёзувчи Ёқуб Қадрий Қараэсмон ўғлини совет ёзувчиларининг биринчи съездига юборган эди. Бу съездга Максим Горький раҳбарлик қилган эди. Ҳозир эса, туркларнинг бошқа бир ёзувчиси сизнинг революциянгиз 50 йиллиги билан бир вақтга тўғри келган IV съездингизда ҳозир бўлди. Бу ёзувчи Отатурк Туркиясининг, тинчликсевар Туркиянинг, империализмга қарши Туркиянинг вакилидир.

Мен шу имкониятдан фойдаланиб, ўзимнинг ва барча турк ёзувчиларининг энг яхши истакларини съездга изҳор қилишни истайман.

Шу билан съезднинг эрталабки мажлиси тамом бўлди.

Съезднинг кечки мажлиси **С. Михалков** раислигида бошланди.

Биринчи бўлиб сўзга чиққан **М. Иброҳимов** (Озарбайжон) ижобий қаҳрамон, янги дунё учун курашувчи ва уни яратувчи ёрқин ва кучли шахс ҳар бир катта асарнинг марказида бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолажак, — деди. У ўз республикасидаги кўпгина сўз усталарининг номларини тилга олиб, уларнинг асарларида қаҳрамоннинг ахлоқий камолотга эришиш йўли тасвирланганлигини айтади. Нотиқнинг фикрига кўра, ижобий қаҳрамон ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам жуда мураккаб бўлиши мумкин. Уни турмушнинг ҳаяжонли тўқнашувларида кўрсатишдан чўчимаслик керак.

Михайло Лалич (Югославия) съезднинг муваффақият билан яхши ишлашини тилади. Бизнинг табрикларимизда, дейди у, муҳаббат ва миннатдорчилик каби ҳиссиётлар сас эшитилаётган бўлса, булар Совет Иттифоқи халқларининг адабиёти қалбимизни тўлдирган олижаноб ва илҳомбахш ажойиб туйғулар учун табиий миннатдорчилигимизнинг ифодасидир, холос.

Югославиялик меҳмон адабиётимизнинг рус халқи учунгина эмас, узоқ ва яқин бошқа халқлар учун ҳам катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтади. У, адабиётнинг Ленин ишига, Октябрь революцияси ишига қўшган ҳиссаси муҳим эканлигини айтади.

М. Шолохов (РСФСР) Улуғ Октябрнинг эллик йиллиги арафасида йиғилган ёзувчилар съезди бирор йўсинда адабий тараққиётга якун ясаётганлиги қонуний, деб ҳисоблайди. Лекин, дейди нотиқ, қоқилиб тушмаслик учун олға қарамоқ керак. М. Шолохов совет адабиётининг келажаги тўғрисида гапирар экан, ёзувчи ёшлар масаласини ўртага қўяди. Ёшларнинг кўплари ҳали болакай овоз билан гапираётган бўлсаларда. ўринбосарларимиз ажойибдир, деб давом этади у. Булар чинакам бойликдир. Улар ҳақида қонуний ғурур ва қувончли ҳаяжонсиз гапириб бўлмайди.

Ёзувчи совет адабиётида ижод эркинлигини талаб қилаётган ғарбдаги чақирилмаган «хайбаракалла чиларга» қаҳр билан зарба берди. Нотиқ В. И. Ленининг машҳур гапларига асосланиб, қандай маъбуот эркинлигини нима учун, қайси синф учун сўраяптилар? — деб хитоб қилади. Совет ёзувчилари «ҳаммага эркинлик» дегувчи шахслар кетидан бормайдилар. Башарти Ватанимиз хавф-хатарда қоладиган бўлса биз ҳаммамиз—кексалар ва ёшлар ҳам. «нўноқлар» ва «эпчиллар» ҳам елкамизга яна шинель ташлаймиз.

Минбарда **Алекс Ла Гума** (Жанубий Африка Республикаси). Мен совет ёзувчилари съездида қатнашиш ва бу ерда гапиришдек катта шарафга муяссар бўлдим, дейди у, совет адабиёти халққа ҳизмат қилишнинг ажойиб намуналарини бутун дунёга кўрсатиб берди. Жанубий Африканинг прогрессив ёзувчилари ҳозирги замон совет ёзувчиларининг асарларидан илҳом олмоқдалар. Биз халқ оммамизнинг қаҳрамонона курашига яқин бўлган гапларни шу асарлардан топаямиз. Алекс Ла Гума Улуғ Октябрь революциясининг яқинлашиб келаётган 50 йиллиги билан совет ёзувчиларини табриклади.

Арман Лану (Франция) съездни француз дўстлар номидан табриклади. Ёзувчи одамлар учун ўт ўғирлаб, бунинг учун қоя тошга михланган Прометей ҳақидаги афсонани эслатди. Прометейни Геракл озод қилган. Бу гап — афсонадир. Аммо 1917 йилда, дейди Арман Лану, Геракл ҳақиқатда ҳам Прометейни озод қилиб, одамлар том маънодаги одамлар бўлиб қолди.

Шу съездда мен шундай ғаъна сўзлари эшитдимки, у кўпгина мақтов сўзларидан ҳам қимматлироқдир, дейди **Е. Сурков** (Москва). Адабиётимизнинг жаҳоншумул ютуқларини, методларимизни, эстетик принципларимизни етарлича тарғиб қилмаётганлигимизни таъна қилишди. Булар асосий иш бўлмасада, лекин тўғри гапдир. Биз катта ва мураккаб адабий процессни чуқурроқ тадқиқ этишимиз ва яхшироқ тарғиб қилишимиз лозим.

Е. Сурков ўз нутқининг каттагина қисмини киносанъат проблемаларига, адабиёт билан кино алоқаларини мустаҳкамлашга бағишлади.

Минбарда Европа ёзувчилар уюшмаси (КОМЕС)нинг бош секретари **Жанкарло Вигорелли.** У совет ёзувчиларининг съезди Октябрь революциясининг 50 йиллиги билан бир пайтда келаётганлигини айтади. Ҳатто коммунист бўлмаганлар ҳам тарих календаридаги бу улуғ санани инкор этаолмайдилар. Бу сана адабиёт тарихида ҳам энг муҳим санадир, чунки янги адабиёт революция кунларида ва у билан биргаликда бунёдга келди. Мамлакатимизда уни яхши билишар ва ақл-заковати, зўр ғайрати учун қадрлашарди.

1925 йилнинг 13 февралида Файзулла Хўжаев Бухорода Ўзбекистон Советларининг биринчи таъсис съездини қисқа ўзбекча, тожикча ва русча жонли нутқ билан очиб, Михаил Иванович Калинин қўлидан республика байроғини қабул қилиб олган эди. Ўшанда қадимий Бухоронинг 29 ёшли вакили ўзбек халқи тарихида биринчи мустақил давлатнинг ҳукуматига бошчилик лавозимини қабул қилиб олган эди. Республика Марказий Ижроия Комитетининг раиси бўлган Файзулла Хўжаев ана шулардан бири эди.

СССР Советларининг бешинчи, олтинчи ва еттинчи съездларида Марказий Ижроия Комитет раисларидан бири этиб такрор сайланган Файзулла Хўжаев ўн йил мобайнида, янги Конституция қабул қилингунга қадар М. И. Калинин, Г. И. Петровский ва бошқалар билан бирга буюк Советлар мамлакати президентининг юксак вазифаларини шараф билан адо этиб келди Мамлакатимизда уни яхши билишар ва эъзозлашарди, зўр ғайрати учун қадрлашарди.

1925 йилнинг 13 февралида Файзулла Хўжаев Бухорода Ўзбекистон Советларининг биринчи таъсис съездини қисқа ўзбекча, тожикча ва русча жонли нутқ билан очиб, Михаил Иванович Калинин қўлидан республика байроғини қабул қилиб олган эди. Ушанда қадимий Бухоронинг 29 ёшли вакили ўзбек халқи тарихида биринчи мустақил давлатнинг ҳукуматига бошчилик лавозимини қабул қилиб олган эди. Республика Марказий Ижроия Комитетининг раислигига эса фарғоналик батрак Йўлдош Охунбобоев сайланган эди.

Файзулла Хўжаев 12 йил давомида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзоси, Халқ Комиссарлар Советининг раиси бўлиб ишлади. У партиямизнинг ленинча байроғи остида 1926 йилнинг 1 Майида ўтказилган митингда ўзи «бизнинг социалистик қайта қурилишимизнинг қалдирғочи» деб атаган Бўзсув ГЭСига негиз қўйиш учун биринчи белкурак ишлатилганидан тортиб то Чирчиқ ГЭСи, тўқимачилик комбинати, «Ташсельмаш» қурилишларигача, 1925 йилдаги 306 минг тонна пахтадан 1937 йилдаги 1524 минг тоннагача, биринчи ўзбек алифбесидан то буюк маданий революциягача — хуллас асрий қолоқликдан социализмгача бўлган жуда катта йўлни босиб ўтди. У таниқли партия ва давлат арбоби сифатида Шарқдаги ёш Совет республикасининг оёққа туриши ва ривожланишида кўпгина ишларни амалга оширди.

Файзулла Хўжаевнинг номи Совет Шарқи тарихидаги яна бир муҳим саҳифа — Бухородаги революция ва Бухоро Совет Халқ республикасининг тўрт йил мобайнида иш олиб борганлиги билан ҳам боғлиқдир.

1920 йилнинг сентябрь ойи бошларида коммунистлар партияси раҳбарлигида ва Совет Туркистони меҳнаткашлари ҳамда Қизил Армия жангчилари мадади билан Бухоро халқи амирнинг салтанатини тор-мор келтирган пайтда Файзулла Хўжаев Бухоро халқ ҳукуматининг раиси ва ташқи ишлар нозири қилиб тайинланди. Шунда у 24 ёшга қадам қўйган эди.

1932 йили у шундай деб ёзган эди: «Қадимий Бухоронинг бутун қиёфаси ўзгариб кетди энгилкда у янгича бўла бошлади. Буларнинг ҳаммаси Совет ҳокимиятининг ана шу қисқагина вақт ичидаги фаолиятининг маҳсулидир».

Улуғ Октябрь революцияси Файзулла Хўжаев ҳаётида ҳам туб ўзгариш ясади. Унинг кўпгина ҳамкасблари буржуа миллатчилиги ғояларидан юқори кўтарила олмаган бўлсада, Файзулла эса кейинчалик ўзи ёзганидек «Гарчанд жуда секинлик ва қийинчилик билан, тўхтовсиз курашлар орқали барибир бутун революцион йўлни босиб ўтган ҳамда амирлик емирилгандан кейин Совет Бухоросини қуриш ва мустаҳкамлашга киришган» кишиларнинг олдинги сафида бўлди.

Буларни унинг эътиқоди ва олдиндан кўрабилишининг натижаларигина деб ҳисоблаш нотўғри бўлур эди. Бу ўринда у яшаган муҳит ҳал қилувчи роль ўйнади. 1917 йилнинг апрель ойида Бухорода халқ ғалаёни бошланди. Амир уни бостиришга муваффақ бўлди. Файзулла Хўжаев «ерости йўли орқали» тор жин кўчалардан қочиб кетди. Тонготарда у Когонга етди. Бу ерда у Россиянинг шонли фарзандлари — П. Г. Полторацкий ва бошқа ишчилар орасига келиб қўшилди. Унинг «онгининг анча ойдинлашувига ва большевиклар томонига ўтишига» ёрдам берганлар ҳам ана шулар бўлди 1918 йилда Ф. Хўжаев Москвага кетди. У Москвадан Тошкентга ҳар жиҳатдан бошқача бўлиб қайтди. Ҳатто ўртоқлари ҳам уни «таний олмай қолдилар». У ўзининг олдинги буржуача идеалларини танқид қила бошлаган эди. У ёш бухоролик революционерлар партиясининг ғоялари ва методлари жуда тор доирада эканлигини яққол сезиб қолган эди.

Файзулла Хўжаев Москвада Туркистон республикасининг доимий ваколатхонасида ишлаган эди. Шу нарса равшанки, у революцион Москванинг катта ишончига сазовор бўлган эди.

Партия турмуши

РАЙКОМ ИНСТРУКТОРИ

КПСС Уставида белгиланганидек, район партия комитети бошланғич партия ташкилотларини тузади ва уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади. Мен бошланғич партия ташкилоти ишини уюштириш, унинг кундалик амалий фаолиятида конкрет ёрдам кўрсатиш соҳасида райком инструкторининг ролига тўхталмоқчиман.

Тўпланган тажрибаларга кўра, икки ёки уч колхоз бошланғич партия ташкилотига райкомнинг бир инструктори бириктириб қўйилган. У партиявий-ташкилий ишларни такомиллаштиришда, меҳнаткашлар ўртасида оммавий-сиёсий иш олиб боришда, ишлаб чиқаришга етакчилик қилишда бошланғич партия ташкилотига яқиндан ёрдам беради. Район партия комитетининг назарий ва амалий жиҳатдан етарли тайёргарликка эга бўлган, ишчан ва ташаббускор инструкторлари ўзларига топширилган масъулиятли вазифани яхши адо этмоқдалар. Шу ўринда Бекберган Каримовнинг иш фаолияти ибратлидир.

У илгари ўкитувчи эди. Райкомнинг ташкилий ишлар бўлимида инструктор вазифасида хизмат қилаётганига икки йил бўлди. Шу қисқа давр мобайнида райком инструкторининг бутун фаолияти бошланғич партия ташкилоти ҳаёти билан чамбарчас боғланди. У кўп вақтини қишлоқда, одамлар орасида ўтказади, коммунистларнинг, қишлоқ меҳнаткашларининг ўрагига йўл топиб, сиёсий тарбиячи ва маслаҳатчи сифатида обрў-эътибор қозонди.

Бошланғич партия ташкилоти ва колхоз правлениеси кўкламги экишни ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқишлари керак эди. Б. Каримов бу ишда бевосита қатнашиб, фойдали мулоҳаза ва таклифларни айтди. Юсуф Файзуллаев, Раҳим Бобожонов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда дала шийпонлари қуриш ва жиҳозлаш, экиш даврида дала меҳнатчиларига машиний хизматни йўлга қўйиш юзасидан райком инструкторининг конкрет таклифлари мақбул бўлди ва амалга оширилди.

Илғор тажрибаларни оммалаштириш — ютуқлар омили. Гектаридан бултур 43 центнер пахта етиштирган коммунист Собир Рўзиматов бошлиқ бригада, илғор сут соғувчи Нигёзжон Исмоилова, пешқадам механизаторлар ва пахта усталарининг тажрибаларини кўргазмали агитация воситасида кенг ёйишда Б. Каримов партия ташкилотига амалий ёрдам кўрсатди. Агитаторлар билан ўтказилган методик семинар илғор тажрибаларни пропаганда қилиш масаласига бағишланди.

Колхоз партия комитети атрофига еттита бригада партия ташкилоти уюшган бўлиб, уларнинг ҳисобида 100 дан ортиқ коммунист бор. Ана шу ташкилотларга раҳбарлик қилишда, партиявий-ташкилий ва сиёсий ишни уюштиришда райком инструктори катта ёрдам беряпти. Партияга қабул, умумий йиғилишни тайёрлаш ва ўтказиш, партия ҳужалигини юритиш тартиби инструкторнинг ҳамиша диққат марказида. Унинг ташаббуси билан хотин-қизлар советининг фаолияти, комсомолга раҳбарлик партия йиғилиши муҳокамасига қўйилди.

Қишлоқ маданиятини юксалтириш, колхозчилар турмушини яхшилаш йўлида райком инструктори ҳамиша жон қуйдиради, партия ташкилоти ва правление белгилаган тадбирларнинг бажарилишига яқиндан ёрдам беради. Чунончи, яқинда «Колхозчининг уйи» деган мавзуда кўрик ўтказилди, мебелларни хонадонларга элтиб сотиш йўлга қўйилди. 520 ўринли ўрта мактаб, саломатлик шаҳарчаси, боғча-ясли қурилиши тезлаштирилди.

Колхозимиз аъзолари 1108 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўтган йили 38,2 центнердан пахта топширган эдилар. Бу йил 40 центнер учун кураш бошланди. Юбилей йили режаларини амалга оширишда партия ташкилоти омманинг чинакам етакчиси, ташкилотчисидир. Район партия комитети ва унинг инструктори Бекберган Каримов колхозимиз партия ташкилоти жанговарлик ва ишчанлик қобилиятини оширишга самарали ёрдам бераётганлигини кундалик ишимизда яққол сезиб турибмиз. Партиявий ишни тобора такомиллаштириб, бутун куч-ғайратимизни улуғ юбилейга муносиб совға тайёрлашга қаратамиз.

М. ОЛЛАБЕРГАНОВ,
Урганч районидаги Охунбобоев номли колхоз партия комитетининг секретари.

БИНОКОРЛАР ДАВРАСИДА

Қорақалпоғистон АССР даги Тахиатош ГРЭСнинг иккинчи навбатига қарашли турбиналар Кенегес каналидан олинадиган сув билан совутилади. Шу мақсадда каналнинг тўрт жойида тўғон барпо қилинмоқда. Каналдан олинган сув Ҳўжайли районидаги ҳўжаликларда сугориш ишларини яхшилашга имкон беради. Каналдаги сув иншоотлари Совет ҳокимлигининг 50 йиллик юбилейи кунигача қуриб битказилади. Ҳозир тўғон қуриш ишлари жадал суръатлар билан олиб бориляпти.

С. БОЗОРОВ.

«Ташотдельстрой»нинг 12-қурилиш бошқармаси қоллективи Чилонзор массивидаги Ғафур Ғулом кўчасининг Оқтепага яқин бирон 50 квартирали бўлган беш қаватли учта уй-жой биноси тиклади. Қурувчилар даврасида дурадгор В. Иванов, гишт терувчи Б. Тоқунов, мастер З. Аҳмедов ўртоқлар илғорлик қилишяпти. Бинокорлар йил охиригача шундай иморатлардан яна еттисини қуриб тамомлаш учун курашмоқдалар.

Т. МИРЗАРАҲМАТОВ.

Абдумалик Абдуллаев бошлиқ қурувчилар бригадаси Андижон область, Ленин районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоларига қадрдон бўлиб қолган. Бригада коллективи бир неча йилдан буён ана шу ерда нўплаб уй-жой ва маданий-маиший объектлар қуриб келмоқда. Шу йилнинг ўзида 14 уй-жой биноси қурилди. Ленин район колхозлараро қурилиш ташкилотида бундай илғор бригадалар кўпайиб боряпти. Юбилей йилининг ўтган ойлари ичида Энгельс номли колхозда 8 уй қуриб, фойдаланишга топширилди. Райондаги бошқа қурилиш объектларида ҳам ишлар жадал боряпти.

К. ХОЛМИРЗАЕВ.

ЯНГИ ИНСТИТУТ

САМАРҚАНД. («Совет Ўзбекистони» махсус мухбиридан).

Шу йил сентябрь ойида бу ерда янги педагогика институти очилади. Янги институтга машҳур ёзувчи Садриддин Айний номи берилди. Бу институт кўҳна шаҳардаги олтинчи олий ўқув юртидир.

Ўтган ўқув йилида шаҳарда архитектура-қурилиш институти очилган эди. Янги ўқув йилида молия техникуми ҳам иш бошлайди.

П. ГАДОЕВ.

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ ОЛДИДАН

Атоқли

Дастлабки портретларида бу кишини баноpас чопон кийган ва салла ўраган йигит сифатида тасвирлашарди. «Бухарская жизнь» журналида унинг ана шундай сурати босилиб чиққан. Бу йигирманчи йилларнинг бошларида бўлган эди. Кўп ўтмай командарм либосида, петлицаларига тўртта ромба тикилган, кителида жанговар орденлари бўлган қиличлик бир киши тасвирланадиган бўлиб қолди. Демак, оловли ҳаёт ҳатто унинг кийимини ҳам ўзгартириб юборди.

У кейинчалик ҳам, ҳатто СССР Революцион Ҳарбий Кенгашининг аъзоси бўлган пайтда ҳам, Самарқанд ва Тошкентда байрам кунларида ҳарбий ва осовиахимчиларнинг парадларини қабул қилганда ҳам ана шу либосда бўларди. Бироқ, одамларга у портретлардагина эмас, балки зиёлиларга хос қора костюм, дазмолланган оқ кўйлак ва галстуги билан ҳам таниш бўлиб қолди.

Уни кенгашларда ёки Халқ Комиссарлари Советида ҳар чоршанба куни ҳожатмандларни қабул қилаётганда, ёинки Марказий Ижроия Комитет Раисининг вагончаси ўтиб кетаётган поезддан қаердадир тушиб, суткалаб қолиб кетган пайтда ёки Бешариқда кўришардиди...

Ўша пайтда СССР Марказий Ижроия Комитетининг олтита раиси бўларди. Файзулла Хўжаев ана шулардан бири эди.

СССР Советларининг бешинчи, олтинчи ва еттинчи съездларида Марказий Ижроия Комитет раисларидан бири этиб такрор сайланган Файзулла Хўжаев ўн йил мобайнида, янги Конституция қабул қилингунга қадар М. И. Калинин, Г. И. Петровский ва бошқалар билан бирга буюк Советлар мамлакати президентининг юксак вазифаларини шараф билан адо этиб келди Мамлакатимизда уни яхши билишар ва эъзозлашарди, зўр ғайрати учун қадрлашарди.

1925 йилнинг 13 февралида Файзулла Хўжаев Бухорода Ўзбекистон Советларининг биринчи таъсис съездини қисқа ўзбекча, тожикча ва русча жонли нутқ билан очиб, Михаил Иванович Калинин қўлидан республика байроғини қабул қилиб олган эди. Ушанда қадимий Бухоронинг 29 ёшли вакили ўзбек халқи тарихида биринчи мустақил давлатнинг ҳукуматига бошчилик лавозимини қабул қилиб олган эди. Республика Марказий Ижроия Комитетининг раислигига эса фарғоналик батрак Йўлдош Охунбобоев сайланган эди.

Файзулла Хўжаев 12 йил давомида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзоси, Халқ Комиссарлар Советининг раиси бўлиб ишлади. У партиямизнинг ленинча байроғи остида 1926 йилнинг 1 Майида ўтказилган митингда ўзи «бизнинг социалистик қайта қурилишимизнинг қалдирғочи» деб атаган Бўзсув ГЭСига негиз қўйиш учун биринчи белкурак ишлатилганидан тортиб то Чирчиқ ГЭСи, тўқимачилик комбинати, «Ташсельмаш» қурилишларигача, 1925 йилдаги 306 минг тонна пахтадан 1937 йилдаги 1524 минг тоннагача, биринчи ўзбек алифбесидан то буюк маданий революциягача — хуллас асрий қолоқликдан социализмгача бўлган жуда катта йўлни босиб ўтди. У таниқли партия ва давлат арбоби сифатида Шарқдаги ёш Совет республикасининг оёққа туриши ва ривожланишида кўпгина ишларни амалга оширди.

Файзулла Хўжаевнинг номи Совет Шарқи тарихидаги яна бир муҳим саҳифа — Бухородаги революция ва Бухоро Совет Халқ республикасининг тўрт йил мобайнида иш олиб борганлиги билан ҳам боғлиқдир.

1920 йилнинг сентябрь ойи бошларида коммунистлар партияси раҳбарлигида ва Совет Туркистони меҳнаткашлари ҳамда Қизил Армия жангчилари мадади билан Бухоро халқи амирнинг салтанатини тор-мор келтирган пайтда Файзулла Хўжаев Бухоро халқ ҳукуматининг раиси ва ташқи ишлар нозири қилиб тайинланди. Шунда у 24 ёшга қадам қўйган эди.

1932 йили у шундай деб ёзган эди: «Қадимий Бухоронинг бутун қиёфаси ўзгариб кетди энгилкда у янгича бўла бошлади. Буларнинг ҳаммаси Совет ҳокимиятининг ана шу қисқагина вақт ичидаги фаолиятининг маҳсулидир».

Улуғ Октябрь революцияси Файзулла Хўжаев ҳаётида ҳам туб ўзгариш ясади. Унинг кўпгина ҳамкасблари буржуа миллатчилиги ғояларидан юқори кўтарила олмаган бўлсада, Файзулла эса кейинчалик ўзи ёзганидек «Гарчанд жуда секинлик ва қийинчилик билан, тўхтовсиз курашлар орқали барибир бутун революцион йўлни босиб ўтган ҳамда амирлик емирилгандан кейин Совет Бухоросини қуриш ва мустаҳкамлашга киришган» кишиларнинг олдинги сафида бўлди.

Буларни унинг эътиқоди ва олдиндан кўрабилишининг натижаларигина деб ҳисоблаш нотўғри бўлур эди. Бу ўринда у яшаган муҳит ҳал қилувчи роль ўйнади. 1917 йилнинг апрель ойида Бухорода халқ ғалаёни бошланди. Амир уни бостиришга муваффақ бўлди. Файзулла Хўжаев «ерости йўли орқали» тор жин кўчалардан қочиб кетди. Тонготарда у Когонга етди. Бу ерда у Россиянинг шонли фарзандлари — П. Г. Полторацкий ва бошқа ишчилар орасига келиб қўшилди. Унинг «онгининг анча ойдинлашувига ва большевиклар томонига ўтишига» ёрдам берганлар ҳам ана шулар бўлди 1918 йилда Ф. Хўжаев Москвага кетди. У Москвадан Тошкентга ҳар жиҳатдан бошқача бўлиб қайтди. Ҳатто ўртоқлари ҳам уни «таний олмай қолдилар». У ўзининг олдинги буржуача идеалларини танқид қила бошлаган эди. У ёш бухоролик революционерлар партиясининг ғоялари ва методлари жуда тор доирада эканлигини яққол сезиб қолган эди.

Файзулла Хўжаев Москвада Туркистон республикасининг доимий ваколатхонасида ишлаган эди. Шу нарса равшанки, у революцион Москванинг катта ишончига сазовор бўлган эди.

ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

ХАТЛАРГА ОБЗОР

Ҳозирги кунда республикамизнинг қаерига борманг ҳар бир киши — пахтакорми, пилачими, чорвадорми ҳамма юбилей вахтасида туриб, фидокорона меҳнат қилаётганини кўрасиз. Ҳақиқатан ҳам улар ўз меҳнатлари билан юбилей тўёнасига муносиб ҳисса қўшиш учун курашяпти. Буни редакциямизга келиб турган хат, хабар ва мақолалардан ҳам билса бўлади.

ПАРВАРИШ ҚИЗҒИН

Қашқадарё область, Яккабоғ районидаги Калинин номли колхознинг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Усмон Қудратов бошлиқ бригадаси аъзолари барча майдонларда ғўза парваришини қизитиб юбордилар. Қисқа муддатда яганалашни тугаллаб, ғўза қатор оралариии культивация қилиш, экинни озиқлантириш, суғориш ишларини бир-бирига боғлаб олиб бораётирлар. Бригада аъзолари 105 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил кўтариш мажбуриятини олишган. Бригадада қилинаётган ҳар бир иш ана шу юксак мажбуриятнинг бажарилишига қаратилган. Бу хабарни шу колхознинг Ҳасан Бердиев ёзиб юборган.

Жиззахлик Йўлчи Урдушев редакциямиз адресига «Парвариш авжида» сарлавҳали мақола йўллаб, унда Жданов номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Санақулова бошлиқ бригадасида ғўза парвариши агротехника қоидаси асосида ташкил этилгани, шунинг натижасида ғўзаларнинг яхши ривожланаётгани ҳақида ҳикоя қилган. Бригаданинг Баҳри Қўзиева, Муяссар Шукурова, Дилором Умарова, Қодир Жалилов, Мели Худойқулов ва Ҳожи Аҳмедов каби аъзолари ғўзаларни яганалаш, чопиқ қилиш ва суғоришда жонбозлик кўрсатаётирлар.

Амударёлик ўртоқ Ж. Ҳидоятов, «Сувчилар» сарлавҳали мақоласида «Ленинизм» колхозининг илғор сувчилари Сафарбой ака Оташев ва Қозоқ ака Султоновларнинг иши ҳақида ҳикоя қилади. Бу азаматлар кўп йиллардан буён сувчи бўлиб ишлаб, катта тажриба ортгирдилар, кўплаб шогирд етиштирдилар. Улар ҳозирги кунда ғўзаларни меҳр билан суғориб, ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар.

Биз Ромитан районидаги Куйбишев номли колхознинг механиги Давлат ака Ҳатамов билан колхознинг Деҳқон Шожонов бошлиқ бригадасида бўлдик. Бир текис униб чиққан ғўзалар қуёш нурида товланади. Ҳамма далада. Ғўзаларни сифатли культивация қилаётган механизатор Ҳожи Жумаевнинг иши билан ҳам танишдик. Агрегатнинг ишчи органлари яхши ўрнатилган. Культивациянинг сифати яхши. Ҳожи Жумаев мавсумда 1100 гектардаги ғўза қатор ораларини культивация қилишга ваъда берган. Бу хабарни бухоролик С. Қодиров ёзиб юборган.

ҲУРМАТИНГ МЕҲНАТ БИЛАН...

Боймурод Эшмуродов ўн уч йилдан буён Самарқанд область, Ҳатирчи районидаги «Олтинсой» совхозининг 1-бўлимида чўпонлик қилиб келаётир. У йил сайин ишда яхши натижаларга эришиб, қўйлар туёғини кўпайтириш, зотини яхшилаш борасида анча иш қилиб қўйди. Бу йил ўз отаридаги 500 бош совлиқнинг ҳар 100 бошидан 160 тадан қўзи олди. Бирор бош совлиқ ёки қўзи нобуд бўлгани йўқ. Боймурод келгусида бундан ҳам катта ютуқларни қўлга киритиш учун тинмай курашмоқда. Бу сўзлар хатирчиллик ўртоқ. Т. Ҳамроевнинг «Илғор чўпон» сарлавҳали мақоласида баён этилган.

Фарғона область, Ўзбекистон районидаги актив мухбирларимиздан бири Соҳибтдин Холматовнинг мақоласини қўлга олар экансиз қуйидаги сатрларга кўзимиз тушди. Райондаги Ленин номли колхознинг фидокор чорвадорлари давлатга 71.1 тонна юқори сифатли гўшт етказиб бериб, гўшт тайёрлаш йиллик планини муддатидан 7 ой олдин бажаришга муваффақ бўлганлар. Колхоз чорвадорлари Улуғ Октябрнинг 50 йиллик юбилейини гўшт тайёрлаш планини 180 процентга етказиш билан қарши оладилар. Шунингдек райондаги «Пахтакайнар» ва Ғафур Ғулом номли колхозларнинг чорвадорлари ҳам гўшт тайёрлаш планларини анча оширибо бажарганлар.

Деновлик Рустам Бойназаровнинг хабарида Охунбобоев номли колхоз чорвадорлари озуқа базасини мустаҳкамлаш учун пухта ҳозирлик кўриб бораётганликлари тилга олинган. Колхозда махсус маккажўхорикорлик бригадаси ташкил этилиб, унга тажрибакор деҳқон Ҳайдар Мелибоев бошчилик қилияпти. Ҳозир маккажўхори барқ уриб ўсяпти. Бригада аъзолари 100 гектар ердаги маккажўхорининг ҳар гектаридан камида 300 центнердан силослоп кўкпоя олиш иштиёқида меҳнат қилияптилар.

— Юбилей меҳнат вахтасида туриб ишлаётган Янгиқўрғон район паррандабоқарлари, — дейди шу районда чиқадиган «Меҳнат байроғи» газетасининг редактори ўртоқ Н. Йўлдошев, — давлатга тухум сотиш йиллик планини муддатидан олдин оширибо бажардилар.

ПИЛЛАМИЗ — ТИЛЛАМИЗ

Ғиждувон район пиллачилари бу йил 510 тонналик пилла хирмони учун курашяптилар. Ҳозир райондаги барча хўжаликларнинг пиллачилари бу хирмонга ўз улушларини қўшмоқдалар. Баъзи хўжаликларнинг илғор пиллачилари дастлабки ҳосилни давлат омборларига етказиб бердилар. Бу хабар газетхон ўртоқ Н. Очиловдан келди.

Намангандан Абдуҳалил Раҳмонов мана бундай мазмунда хат йўллабди: «Ўзбекистон» колхози пиллачиларининг юбилей йилидаги аҳди катта. Улар 420 қути қурт уруғини намунали парвариш қилишяпти. Колхозда 100 килограммчилар ҳаракати қулоч ёйган. Т. Эргашева, Б. Худойназарова ўртоқлар ана шу ҳаракатнинг ташкилотчиларидан ва пешқадамларидан ҳисобланадилар. Бу азаматлар пилла топшира бошладилар.

Сурхондарё область, Жарқўрғон районидаги «Москва» колхози пиллачилари пилла тайёрлаш планини районда биринчилар қаторида 102 процент бажардилар. Район пиллачилари давлатга яна 1000 килограмм пилла етказиб бериш ҳақида мажбурият олдилар. Колхознинг Ҳ. Холиқова, И. Сувонова, О. Абраева, И. Саидова ва О. Олимова каби илғор пиллачилари ҳар қути қурт уруғидан 90-100 килограммдан пилла ҳосили олишди. Бу хабарни ўртоқ А. Маматқулов йўллаган.

* * *

Чустлик О. Қўчқоров, қўшкўпирлик И. Машарипов, янгийўллик И. Абдиев, вобкентлик Қ. Каримов, шўрчилик Э. Эрматов, шерободлик Н. Худоёров, булунғурлик А. Ҳамидов, конимехлик Б. Сарсенбоев, қувалик Р. Каримбердиев, термизлик Б. Ҳамроев, пайариқлик А. Турсунов, шаҳрисабзлик Ж. Халилов, оққўрғонлик Б. Йўлдошев ўртоқларнинг хатларида ҳам пахтакорларимизнинг ғўза парваришидаги жасоратлари, чорвадорларнинг маҳсулотни мўл қилиш борасидаги фидокорлиги, пиллачиларнинг давлатга қўплаб пилла ҳосили етказиб беришдаги ғайратлари қувонч билан тилга олинган.

Кекса ғазалхонларимиз ижодидан

Муҳтарам газетхон, сизнинг эътиборингизга тошкентлик мўйсафид ғазалхон Ҳусанхон Абдулҳайрихон ўғлининг доҳиймиз Ленин ҳақида ёзган бир шеърини ҳавола қиляпмиз. Мушкин у кишининг адабий тахаллуси.

Шоир ғазалларида юртимизни, халқимизни, бахтимизни ихлос ва илҳом билан куйлайди.

Биз Бобир маҳаллалик кекса шоиримизга саломатлик, ижодларига, машқларига ривож тилаймиз.

Туроб ТЎЛА.

ЛЕНИН ВАСФИДА

Улуғ, шафқатнавозу халқпарвар, меҳрибон Ленин,
Бўлибсан меҳрибонлик бирла машҳурӣ жаҳон Ленин.
Тамоми халқи олам сидқи дилдан офарин айтар,
Эрурсан ер юзида турфа доно, нуктадон Ленин.
Садоқат бирла ҳар иш устида турдинг дадолатда,
Бутун дунёга сен доҳийлигинг айлаб аён, Ленин.
Кириб сен бошлаган ҳақ йўлга меҳнатнаш, эзилганлар,
Совет даврида бўлдилар чунонам шодмон, Ленин.
Безалди шаҳру қишлоқ, кўча-кўйлар, хонадонлар ҳам,
Ҳама озоду, эркинлик билан хуррам замон Ленин.
Фаровонлик била обод бўлди мамлакат яшнаб,
Кўринди кўзга ҳар кимда саодатдан нишон, Ленин.
Халойиқ тинчу, осойишталу нунғилларн равшан,
Ҳамиша сен яратган мамлакат дориламон, Ленин.
Оқ олтиндан гапирсам сўзларимни мухтасар айлаб,
Мубораи Ўзбекистон бўлди олий пахтакон, Ленин.
Ажойиб муҳташам ул пойтахти Москва ичра
Кремль бўлди шавкатда, жаҳонда достон, Ленин.
Бўлиб эл бир-бирига меҳрибону иттифоқу дўст,
Қадам ташлаб коммунизм сари бўлди равон, Ленин.
Нечоғлик бахту, иқболу, саодатдинки васфингни,
Муяссар бўлди Мушкинга ёзиб қилмоқ баён, Ленин.

МУШКИН.

ИЖОДИЙ САФАРГА

Ўттиз йиллик муборак тўйини муносиб нишонлаган Ўзбекистон Давлат филармонияси ва эстрада театрининг ижодий коллективи янги куч, янги ғайрат билан республикамиз бўйлаб яна ижодий сафарга ҳозирлик кўрмоқда.

Ўзбекистон халқ артисти М. Мирзаев раҳбарлигидаги эстрада концерт бригадаси қардош тожикистонлик дўстлар диёрида концертлар бериш учун ўз репертуарларини янгилаб, тахт қилиб қўйишди. Бригада составида хушхонлар, севимли раққосалар ва моҳир созандалар бор.

Республикада хизмат кўрсатган артист П. Раҳимов раҳбарлигидаги 2-концерт бригада эса Ленин орденли Бухоро пахтакорлари ҳузурига жўнаб кетмоқда.

Алишер Навоий номидаги опера ва балет Катта театрининг СССР халқ артисти, давлат мукофотининг лауреати Ҳалима Носирова раҳбарлигидаги санъаткорлар бригадаси эса қардош Туркманистон ҳамда республикамизнинг Қашқадарё водийси бўйлаб гастролга жўнаб кетди.

И. КАТАЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИДА

Ўзбекистон журналистлар союзи правлениесининг президиуми июнь ойининг иккинчи ярмида правлениенинг иккинчи пленумини чақиришга қарор қилди. Пленумда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги муносабати билан Андижон, Сурхондарё ва Хоразм областлари журналистлар ташкилотларининг ижодий иши тўғрисидаги масала муҳокама қилинади. (ЎзТАГ).

Корхонага биринчилардан бўлиб ишга келган йигит Усмон Нуриддинов дастлаб шогирдлик қилди. Ҳунарга иштиёқи, касбга муҳаббати билан тенгқурлари орасида ажралиб турарди. Интилганга толе ёр деганидек, йигит мақсадига эришди. Малакали мастер бўлиб олди.

Унинг қандай ишлаганини тавсифлаб ўтирмаймиз. Ишга келганига икки йил ўтар-ўтмас кўксини «Шавкатли меҳнати учун» медали безаганини таъкидлашнинг ўзи кифоя қилса керак.

Усмонжонга завод цехининг муҳим группасини бошқаришни топширишди. Бу ерда мастер ҳал қилувчи фигура ҳисобланади.

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

САНОАТИМИЗ МАРДУ МАЙДОНЛАРИ

Масъулият ҳам катта. Ўз ишинг учун эмас, бутун группа фаолияти учун жавобгарсан. Лекин у бўшашадиган йигитлардан эмас. Касбдошларига билганларини эринмай ўргатди, улардан уялмай ўрганди.

Группа ишчилари ой сайин юксак кўрсаткичга эришиб, социалистик мусобақанинг байроқдори бўлиб қолишди. Аҳил коллективга коммунистик меҳнат коллективи деган юксак ном берилди. Усмонжон ишчиларга ўз касбининг устаси бўлишига ёрдамлашиш билан бирга ўзи ҳам билимини оширди, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда техникумни сиртдан тугатди.

Нуриддиновнинг корхонада ишлаётганига анча бўлиб қолди. Шу вақт мобайнида қанчадан-қанча шогирдлар тайёрлади. В. Сусликов, Б. Муҳаммадсолиев, В. Ткаченко сингари шогирдлари ҳозир заводнинг фахри ҳисобланади.

Коммунист Усмон Нуриддинов актив жамоатчи сифатида ҳам обрў қозонган. Тошкент авиация заводи касаба союз комитетининг аъзоси ва дилкаш агитатор сифатида ишчилар билан тез-тез учрашиб, уларга партиямизнинг жанговар сўзларини етказади, ишчиларни унумли меҳнат қилишга даъват этади. Заводнинг ветеран ишчиси бошқараётган коллектив Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига юксак мажбурият олган. Коллективнинг ҳар бир аъзоси бу режаларни рўёбга чиқариш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

С. АЛИЕВ.

ОҚ ЙЎЛ, АЗИЗ ДЎСТЛАР

25 май кечқурун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Венгрия маданият декадаси қатнашчилари шарафига қабул маросими ўтказдилар.

Эртаси куни эрталаб Венгрия Халқ Республикасининг вакиллари Тошкентдан жўнаб кетдилар. Аэродромда улар самимий кузатиб қўйилдилар. Республика партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, маданият арбоблари дўстларга оқ йўл тилаб қолиш учун бу ерга келдилар.

Венгриялик дўстларни кузатиб қолиш вақтида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат М. Т. Турсунов ва Венгрия делегациясининг бошлиги — Венгрия Социалистик Ишчи партияси марказий контроль комиссиясининг раиси, Венгрия Халқ Республикаси давлат кенгашининг депутати Янош Бруттьо нутқ сўзладилар.

(ЎзТАГ).

Урганч иннкубаторининг жўжабоқари Гулсора Мамедова ўз ишининг устаси. У жўжаларни парвариш қилишда йил сайин яхши натижага эришяпти. Унинг бу йилги иши ҳам чанки эмас. Ҳозир ўз қарамоғидаги 4 минг дона жўжани намунали парвариш қилиб, кўлчиликнинг ҳурматига сазовор бўлаётир: юқоридаги суратда Гулсора Мамедова. Урганч шаҳридаги «Баҳор» ресторани ҳузуридаги кондитерлик цехида турли-туман ширин нонлар тайёрланмоқда. Бу ишда Холпошша Қўчқорова кўпчиликка намуна бўлмоқда. Пастдаги суратда: цех мастери Холпошша Қўчқорова.

Ш. Раҳимов фотолари.

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ЖАМОЛИ

ҚЎРИҚ ЭДИ БУ ЕРЛАР

Кечқи пайт «Халқобод» колхозига бордим. Правление идорасида мени нуроний, очиқ чеҳрали отахон кутиб олди.

— Келинг оғайни, қандай шамол учирди.—хазил қилди отахон.

— Бундан уч йил илгари келган эдим. Ўша пайтда бу ерда унда-бунда иморат бор эди. Ҳозир уйлар қўпайиб кетганидан қариндошимнинг уйи қайсилигини аниқлай олмаяпман.

— Ҳа ҳозир қишлоғимизга келган ишчи собиқ Бадайни таний олмайди, чунки энди у қишлоқдан асар ҳам қолгани йўқ.

Сиз эшитган бўлсангиз керак, илгари бу ерлар чангалзор эди. Бсмачилар бош кўтариб чиққан пайтларда эса бу йўлдан ҳеч ким ўта олмас эди. Мен ўша мудҳиш пайтларда тўкилган қонларнинг шоҳидиман, — деб афсусланди ота ва сўзида давом этди:

—Колхоз тузуми туфайли фаровон ҳаёт эгаси бўлдик. Бунинг учун биз партиямиз ва ҳукуматимиздан чексиз миннатдормиз.

Ҳа, «Халқобод» колхози аъзоларининг отахони Баҳодир бува ҳақ гапни айтди. Колхоз тузуми туфайли меҳнат аҳли фаровон ҳаётга эришди. Исми жисмига монанд бўлган «Халқобод» қишлоқ хўжалик артели айниқса кейинги тўрт-беш йил мобайнида гуллаб яшнади, социалистик шаҳарчага айланди. Барча хонадонлар ёпиласига электрлаштирилган ва радиолашган. 50 хонадонда зангори олов ёнмоқда.

Яқинда 200 ўринли 2 қаватли болалар боғчаси, хўжалик моллари магазини, гўшт дўкони, 2 қаватли маиший хизмат комбинати биноси фойдаланишга топширилди. Ҳозир 2 қаватли мактаб-интернат, колхоз музейи, чойхона, катта стадион, истироҳат боғи ҳамда Ватан уруши қаҳрамонлари учун ёдгорлик қуриляпти.

Буларнинг ҳаммаси юбилей тантаналари арафасида битказилади. «Бадай қўрғони» массивида ҳозиргача 104 та янги уй-жой қурилган, юбилей олдидан яна 26 та уй-жой қуриб берилди. Буларга узоқ қишлоқлардаги оилалар кўчиб киришади.

Қишлоқдан қайтаётганимда колхоз раиси Мурод Жўраев билан учрашдим. У хўжалигининг истиқболи, юбилей йили мажбуриятлари ҳақида завқ билан сўзлади.

— Азамат чўлқуварлар кейинги 5 йилда 200 гектар қўриқ ер ўзлаштиришди. Пахта ҳосилдорлиги 18 центнердан 25 центнергача кўтарилди, гўшт етиштириш 2,2 баравар, галла 3,5 баравар ошди.

Режалар катта. Юбилей йилида она Ватанга 6500 тонна пахта, 22,5 тонна пилла, 285 тонна сут, 22 минг дона тухум, 500 тонна қовун-тарвуз ва бошқа хил маҳсулотлар сотамиз.

Халқободликларнинг сўзи билан иши бир. Улар юбилей вахтасида туриб меҳнат қилишяпти.

С. ХУЖАЕВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.
Иштихон райони.

давлат арбоби

1920 йил август ойининг бошларидаёқ Файзулла Хўжаев ўзини «коммунистик платформада» турган деб ҳисоблайман деган эди. Бухоро революциясининг етинчи кунида унда маълум роль ўйнаган ёш бухоролик революционерлар партияси ўз-ўзидан тугатилди, унинг илғор, революцион қисмлари Ф. Хўжаев бошчилигида Коммунистик партия сафига қўшилди.

Ўзини революцияга бағишлаган киши синфий интуиция таъсирида эмас, балки рус интеллигенциясидан чиққан кўпгина коммунистлар каби Октябрь революциясининг жаҳоншумул-тарихий аҳамиятини чуқур тушунган эди, фақат большевикларгина умуман сиёсий ва социал ривожланиш, шу жумладан яқиндагина озодликка эришган шарқ мамлакатида сиёсий ва социал ривожланиш жараёнларини чуқур биладилар, деб тушунган эди.

Файзулла Хўжаев, агар Бухоро ўз келажагини барпо этиш учун чиндан ҳаракат қиладиган бўлса, агар у эски тузумга қайтмасликни, ўзининг империализм исканжасида эзилмаслигини истайдиган бўлса, у миллий демократия заминидан илмий социализм негизига, социалистик қурилиш йўлига кескин ўтмоғи кераклигини равшан тушунган эди. Бухоронинг конкрет шароитини ҳисобга оладиган бўлсак, бу унинг Советлар мамлакати билан тўғридан-тўғри, очиқдан-очиқ сиёсий-иқтисодий, ҳарбий иттифоқ тузиш ва кейинчалик бутунлай Советлар мамлакати составига киришга йўлидан бориш керак деган сўз эди. Худди шуньинг ўзи Файзулла Хўжаев учун ленинизмнинг дастлабки академияси бўлди.

Файзулла Хўжаев 1922 йилда Италияга Генуя конференциясига бораётиб Москвада тўхтаб ўтди. Бироқ Бухородаги воқеалар ҳаддан ташқари хавфли бўлиб қолди. Чет эл агенти, сотқин Анварпошша босмачиларни яшил байроқ остига тўплаган эди. Ф. Хўжаев сафарининг маршрути ўзгариб қолди. «Мен, — деган эди у, — Бухорога қайтишим керак эди». У энди Шарқий Бухоро революцион ҳарбий кенгашининг раиси сифатида келган эди.

1922 йил 20 июлда босмачиларни тор-мор қилишга раҳбарлик қилгани учун Файзулла Хўжаев Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Бухоро Совет Халқ Республикаси ҳам унинг хизматларинч юксак нишон билан тақдирлади.

РКП(б) Марказий Комитети Туркистон бюросининг аъзоси, Турк ЧК раиси Я. Х. Петерс 1922 йил 21 мартда В. И. Ленинга Файзулла Хўжаев тўғрисида «жонли, қобилиятли, бир қадар кўпчилик омма номидан гапириш ҳуқуқига эга бўлган шахс... Жуда йирик намояндa», у «бутунича Советлар Россиясига кўз тикиб турган одам» деб ёзган эди.

Ҳали ўша пайтдаёқ у халқ Бухоросининг бошлиғи сифатида СССРнинг, Москванинг ташкилий тажрибасини раҳбарликка олишга чақирган, Москванинг ишчилари билан Бухоро ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни мустаҳкамлаш ташаббускори бўлиб чиққан ва Москва Советининг фахрий аъзоси, Москванинг фахрий пўлат эритувчиси қилиб сайланган эди.

Ф. Хўжаевнинг пахтачиликка бўлган қарашлари ҳам эволюцион равишда ўзгарди. Агар олдинлари, ҳали Бухородалигида у пахтачиликни ривожлантириш зарурлигини Ўлканинг «ҳаётий эҳтиёжи»дан деб тушунтирган бўлса, кейинчалик Ўзбекистон ҳукуматининг бошлиғи бўлиб юрганда пахтачиликни ривожлантириш масалаларини мамлакатни индустрлаштириш сиёсати, унинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш ҳамда аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш билан боғлаб олиб борди. 1931 йил май ойида Тошкентда немис ишчилари делегацияси билан суҳбатда пахта учун курашни, СССРнинг бошқа капиталистик мамлакатлардан пахта сотиб олмаслиги учун курашни совет кишиларининг халқаро коммунистик ҳаракат олдидаги интернационал бурчи деб атаган эди.

Файзулла Хўжаев олдин Бухорода, сўнгра Ўзбекистонда ўн етти йил мобайнида Халқ Комиссарлари Советининг Раиси бўлиб ишлади. 1925 йилдан бошлаб унинг бутун фаолияти Ўзбекистон Коммунистик партиясининг фаолияти билан чамбарчас боғланган эди.

Бухорода ишлаб юрган пайтларидаёқ у, Советлар ишида етарли иш қобилиятига эга бўлган, кенг тармоқли ва маълум бир фаолият планига эга бўлган давлат аппарати ташкил этиш энг муҳим вазифалардан бири, деб ҳисобларди эди. Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Советининг Раиси бўлиб ишлаётган кезларида унинг бу соҳадаги ҳаракатлари жуда самарали бўлди

У вужудан зиёлилиги билан ажралиб турарди. Бусиз у чинакам совет ва партия ходимини тасаввур қила олмас эди. У «бошқариш санъатининг» ва «планларнинг оммавий равишда қайта ишлаб чиқилишининг» муҳимлигини доимо таъкидлаб турар ва ўзи ҳар бир масалани мутахассислар ҳамда ахборот материалини жалб қилган ҳолда тубдан ўрганар ва шунинг учун ҳам ҳар қандай проблемада аниқ, чуқур мулоҳаза юритар, масалаларни зудлик билан ҳал этар, халқ комиссарларини бутун масъулиятни ўз зиммасига олишга ўргатарди.

Большевистик ишбилармонлик унинг аппарат ишига бўлган муносабатида ҳам кўриниб турибди. Кекса коммунист В. Б. Гукасов унинг РКИнинг муҳим масалалари юзасидан докладларини Халқ Комиссарлари Совети йиғилишида беш минутдан кўп чўзмасликни илтимос қилганини хотирлайди.

— Гапнинг моҳиятини тушунтириб қўяқолинг йўл-йўриғингиз, ўз фикрларингизни айтсангиз бас, — дерди у. — Деталлар бўлса керак жойида айтиб ўтарсиз.

У Халқ Комиссарлари Советининг уч ойлик иш планларига тузатишлар киритарди. Жумладан 1934 йилнинг 3 кварталига мўлжалланган планга шундай деб ёзиб қўйилганини ўқиймиз: «Эгат олиш, суғориш... масалаларини, бу ишларнинг боришини доимий равишда кузатиб бориш учун (қарор қабул қилиш **зарурми** йўқми, бундан қатъи назар) ҳар ўн кундан кечикмай муҳокама қилиб туриш керак.

Ўрим-йиғим (ғалла) тўғрисидаги масалани иккинчи кварталда ёқилғи ва қурилиш материаллари юзасидан ўтказганимиздек қисқа-қисқа қилиб тинглаб туриш керак».

В. В. Куйбишев, С. Г. Оржоникидзе, Я. Э. Рудзутаклардан, Туркистон ва Совет Ўзбекистонининг таниқли партия арбобларидан олган партиявий принципиалликка оид сабоқлари унинг мулоҳазали инсон бўлиб етишишига, ривожланишимиз диалектикасини мукаммал эгаллашига ёрдам берди. У назарияни, экономика ва ҳаёт тажрибасини яхши билганлигидан ирригация ва пахтачилик проблемаларига алоҳида эътибор берди. Бу соҳаларнинг ривожлантирилишидаги хизматлари учун у Ленин ордени билан мукофотланди.

У ўз маълумотини анкеталарга ўрта деб ёзарди. У ўз устида доимо ишлаши туфайли юксак маълумотли киши бўлиб етишди ва Халқ Комиссарлари Советининг Раиси лавозимини жуда аъло публицистик ва илмий фаолият билан қўшиб олиб борди. Нигирмадан ортиқ китоб, брошюра, монография унинг қаламига мансубдир. «Бухородаги революция тарихига доир» деган асари бир неча марта қайта нашр этилди.

1929 йилда Ўзбекистонда илмий-тадқиқот институти очилди. Файзулла Хўжаев эса ҳозир мавжуд бўлгани каби бу институтда республиканинг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш юзасидан тадқиқот ишларига жамоатчилик асосида раҳбарлик қила бошлади. Унинг «Ўзумимизнинг муҳим вазифалари тўғрисида», «Ўзбекистон халқ хўжалиги» деган ва бошқа китобларида, статистиканинг қизиқарли рақамлари билан сайқалланган докладлари ва нутқларида муҳим иқтисодий проблемалар кўтарилган.

У охирги марта 1937 йил май ойида Самарқандда Ўзбекистон олимларининг I съездида нутқ сўзлаган эди. Бу нутқда жумладан Ўзбекистон ирригациясининг келажаги — Фарғона водийсидаги катта каналлар, Амударёнинг Зарафшонга бурилиши ва шу каби муҳим ўзгаришлар тасвирини чизиб берган эди.

Файзулла Хўжаевнинг хатолари бўлмаган деб айтиш қийин. Уни яширишнинг ҳам ҳожати йўқ. Масалан, у жадидизмга баҳо бериш масаласида, Бухоро Совет Халқ Республикаси экономикасини юксалтириш учун майда хусусий капиталнинг аҳамиятига оширча баҳо бергани ва ўрта Осиёда миллий давлат чегараланишига тайёргарликнинг дастлабки ойларида у Бухоро рамкасидагина мулоҳаза юритганини эслатиб ўтиш мумкин.

Бироқ у танқиддан хулоса чиқара биларди.

— «Партия билан оддийгина бирга юриш»нинг кераги йўқ. Партия билан бир қозонда қайнаш, партиянинг жангчиси бўлиш керак, деганида минг карра ҳақ эди.

У революцияга эрта тонгда, Бухоронинг тор жин кўчалари соясида кириб келди. Унинг кўчаларидан партия ва халқ билан бирга офтоб тушиб турган томонда юришга интилди. Бугун бу янада яқинроқ кўриниб турибди. У босиб ўтган йўл, ўз вақтида у танлаб олган иш, у қўлга киритиш учун курашган мақсад буюк жозибали куч ва коммунистик ғояларнинг ҳақиқатлигидан такрор-такрор ҳикоя қилиб турибди.

Г. ДИМОВ.

Сирдарё областининг Фориш район кутубхонасида 18 мингдан ортиқ турли китоблар бор. Кутубхона меҳнаткашларнинг, ишчи-хизматчиларнинг ҳақиқий ҳордиқ чиқарадиган жойига айланган. Суратда: (чапдан) кутубхона мудираси Г. Аҳмедова ва Ҳ. Қорабекова ўртоқлар янги китобларни кўздан кечиришяпти.

А. Тўраев фотоси.

ЁЗ КУНЛАРИДА

Тошкентдаги 3-пиво заводи коллективи ёз кунларида аҳолини лимонад, «Тошкент суви», пиво, квас ва турли мева шарбатлари билан тез-минглаш мақсадида ҳар куни 170 минг шиша Тошкент суви, 40 минг шиша лимонад, 50 тонна квас ва қўплаб пиво ишлаб чиқарвётир.

Шу кеча кундузда Самарқанд область савдо ташкилотларига 103 минг, Бухорога 107 минг, Хоразмга 36 минг шиша турли хил спиртсиз ичимликлар жўнатилмоқда.

Пойтахт кўчаларида, озиқ-овқат магазинларида чанқоқ босадиган ичимликлар мўл бўлади.

С. СУЛТОНОВ.

БМТ ҲУЖЖАТИ СИФАТИДА

НЬЮ-ЙОРК, 25 май. (ТАСС). Кеча СССРнинг БМТдаги доимий ваколатхонаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Совет ҳукуматининг Яқин Шарқдаги аҳвол тўғрисидаги баёнотининг тўла текстини тарқатди.

ИРОҚ РЕСПУБЛИКАСИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

НЬЮ-ЙОРК, 25 май. (ТАСС). Ироқ Миср ва Сурияга мадад кўрсатиш учун ҳарбий ҳаво кучлари ва қуруқликдаги қўшинларни юборишга қарор қилди. Ассошиэйтед пресс агентлиги мухбирининг Бағдоддан хабар беришига кўра, Ироқ республикаси Министрлар Советининг мажлисидан кейин ана шу ҳақда эълон қилинди.

Тинч мамлакатларда

Грециядаги аҳвол кескинлашиб бормоқда. Афина ва бошқа шаҳар кўчаларини танклар қўриқлаб юрибди. Ҳарбий диктатура янги режимни репрессиялар ёрдамида «мустаҳкамламоқчи» бўлмоқда. Мамлакатнинг мингларча демократ ва прогрессив арбоблари қамоққа ташланди. Суратда: танклар шаҳар кўчасида.

Полфото—ТАСС фотоси.

АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАРНИНГ ҚОТИЛЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 25 май. (ТАСС). «Кўк қалпоқлилар» деган махсус десант қўшинларининг собиқ сержанти Дональд Даникен неча айтдики, у Жанубий Вьетнамда бир неча асир партизанларни ўлдириш тўғрисида Америка офицеридан шахсан буйруқ олган. Даникен яна айтдики, Жанубий Вьетнам қўшинлари ватанпарварлар билан алоқа қилишда гумон қилинган шахслардан қаттиқ ўч олмоқдалар. Ҳар бир партизаннинг қулоғи учун Жанубий вьетнамлик солдатлар ўн доллардан пул олияптилар, деди собиқ сержант.

Даникен форт—Жэнсонда (Жанубий Каролина штати) ўтаётган ҳарбий трибуналнинг кечаги мажлисида ҳимоя томонининг гувоҳи сифатида сўзлади. Трибунал капитан Говард Леви Вьетнам учун «кўк қалпоқликларни» ўргатишни рад этганлиги учун уни суд қилмоқда.

Леби «кўк қалпоқликлар» Жанубий Вьетнамда жиноятлар қилаётганликлари учун уларни ўргатишни рад этдим, деб важ кўрсатмоқда. «Кўк қалпоқликларни» аёллар ва болаларнинг қотиллари деб атади.

Вьетнамда хизмат қилган Робин Мур ва Питер Борн ҳам трибуналнинг кечаги мажлисида жанубий вьетнамлик солдатларнинг партизанлар ва улар билан алоқа қилишда гумон қилинган шахслардан қаттиқ ўч олаётганликларини тасдиқладилар.

Ливанда резервистлар армияга чақирилмоқда

ПАРИЖ, 25 май. (ТАСС). Ливан мудофаа министрлиги резервистларни армия хизматига чақириш тўғрисида фармойиш чиқарди, деб хабар беради Франс пресс агентлигининг мухбири Байрутдан.

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИДА

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ ТУҒРИСИДА АРАБ МАМЛАКАТЛАРИ МАТБУОТИНИНГ ЕЗГАНЛАРИ

Араб жамоатчилиги Совет ҳукуматининг Яқин Шарқдаги вазият тўғрисидаги баёнотига катта эътибор бермоқда. Бу баёнот Араб мамлакатлари матбуотининг бош темаси бўлиб қолди, деб хабар берилади радио ва телевидение орқали берилган навбатдан ташқари эшиттиришларда.

Қоҳирада чиқадиган «Алжумҳурия» газетаси ўзининг биринчи саҳифасига «Совет Иттифоқи арабларни қўллаб-қувватламоқда ва Исроилни ҳамда уни қутуртувчиларни огоҳлантирмоқда» деган сарлавҳа қўйган. «Алаҳром» газетаси қуйидагиларни ёзади: «Совет Иттифоқи ҳукумати араб мамлакатларининг агрессияга қарши позициясини қатъий қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини билдирмоқда. Совет Иттифоқи араб мамлакатларига қарши қаратилган ҳар қандай агрессия Совет Иттифоқининг қаршилигига учрайди, деб огоҳлантирмоқда».

Сурия жамоатчилиги баёнотни зўр қониқиш билан кутиб олди. Дамашқда чиқадиган икки марказий газета—«Албаас» ва «Ассаура» газеталари Совет ҳукумати баёнотининг тўла текстини биринчи саҳифаларда «Қатъий Совет баёноти», «Совет ҳукумати Исроилни қўллаб-қувватлаётган империалистик давлатларни огоҳлантирмоқда» деган сарлавҳалар остида босиб чиқарди.

Ироқда чиқадиган барча газеталар Совет ҳукуматининг Совет Иттифоқи телеграф агентлиги томонидан берилган баёнотини босиб чиқардилар. Бу баёнотда Исроилнинг Яқин Шарқдаги авантюраси «Совет Иттифоқининг кескин қаршилигига учраяжаги» огоҳлантирилади.

Байрут матбуоти Совет ҳукуматининг Исроил агрессиясига қарши араб халқларини қўллаб-қувватловчи баёнотини табриклмоқда.

Газеталар Қўшма Штатларнинг ҳозирги позицияси аслида Исроилнинг экспансион доираларини рағбатлантиради, деган ўринларга эътиборни жалб қилмоқда.

ВАКЦИНА ЎЗ ВАҚТИДА ЕТКАЗИБ БЕРИЛДИ

ДАРУССАЛОМ. Чечакка қарши 100 минг доза совет вакцинаси бу ерга самолётда олиб келинди. Совет вакцинаси ўз вақтида етказиб берилди, чунки яқинда Кигомда ва Танзаниянинг бошқа бир қанча районларида чечак эпидемияси кучайиб кетган эди.

Яқин вақт ичида Танзанияга яна чечакка қарши 250 минг доза совет вакцинаси етказиб берилади.

Мамлакатнинг кўпгина районларида аҳолига ва энг аввало болаларга профилактика эмлашлари ўтказилади.

ШАҲАРЛАР СУВ БОСИШ ХАВФИ ОСТИДА ҚОЛДИ

БАҒДОД. Май ойининг ўрталарида бошланган ва ҳозирги Ироқ тарихида энг катта сув тошқини аввига чиқди. Сўнгги кунларда Хит—Рамади—Фаллужа районида хатарли вазият вужудга келди. Фрот дарёси ҳаддан ташқари тошиб кетиб, ана шу шаҳарларни бутунлай сув босиш хавфи тугилмоқда. Маъмурлар Рамади шаҳрини тошқиндан қутқариб қолиш мақсадида Фрот дарёсидаги дамбаларни бир неча жойда тешиб қўйишга буйруқ бердилар. Тошқин сувлари паст текисликларга оқизилди ва 130.000 гектар майдонни сув босди.

Қўрилган тадбирлар натижасида Фрот дарёсидаги сувнинг сатҳи 30 сантиметр камайди, бироқ Рамади районидаги аҳвол илгаригидек ниҳоятда хатарли бўлиб қолмоқда. (ТАСС).

Сурия халқ армияси сафига кўнгиллилар ёзилмоқда

ДАМАШҚ, 25 май. (ТАСС). Империалистларнинг Сурияга қарши киридикорлари ва Исроил агрессияси хавфига қарши ишчилар, деҳқонлар, хизматчилар, студентлар ҳукумат ва касаба союз раҳбарларининг чақириғига жавобан халқ армияси отрядларига кўнгилли равишда кирмоқдалар.

Расмий маълумотларга кўра, ҳозирдаёқ халқ армияси сафига 300 мингдан кўпроқ киши ёзилди. Халқ армияси кўмондонлиги мамлакатнинг турли районларидаги халқ лашкарларига қурол-яроғ ва ўқ-дори улашиш тартиби тўғрисида ва кўнгилларни армияга тайёрлаш ва уларнинг биринчи тревога сигнали бўлиши биланоқ тайинланган пунктга даҳол етиб келиш тартиби тўғрисида буйруқ чиқарди.

Қамоққа олиш ва ҳукмлар...

АФИНА, 25 май. (ТАСС). Афина шаҳрининг фавқулодда ҳарбий трибунали кеча навбатдаги мажлисини ўтказди. Трибунал «Қоролнинг шахсиятини ҳақорат қилиш», «маъмурларга бўйсунмаслик ва уларга қаршилик кўрсатиш», «қонунга хилоф суратда қурол олиб юриш» ва шу сингариларда айбланган яна 8 киши устидан ҳукм чиқарди. Ҳарбий суд уларни 1 ойдан тортиб 27 ойгача турма жазосига ҳукм қилди.

Газеталар Афинада «Королни ҳақорат қилиш» ва «сиёсий эҳтиросларни авж олдиришда» айбланган граждалар қамоққа олинганлигини хабар қиладилар.

АФРИКА КУРАШМОҚДА, АФРИКА ҒАЛАБА ҚОЗОНАДИ!

Москва жамоатчилиги 25 майда Африка озодлиги қунини нишонлади. Олимлар уйида бўлиб ўтган тантанали йиғилиш ана шу муҳим воқеага бағишланди.

Йиғилишни дўстлик совет жамиятлари союзи президиумининг раиси Н. В. Попова очди. СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси С. Б. Ниёзбеков доклад қилди.

МХР ЭЛЧИХОНАСИНИНГ НОРОЗИЛИГИ

УЛАН-БАТОР, 25 май. (ТАСС). Монцамэ агентлиги хабар беради: 21 майда Улан-Батор темир йўл вокзалида бир группа Хитой граждалари Монголия Халқ Республикасидаги Хитой элчихонаси ходимларининг кўрсатмаси билан қилган ирговгарлик ҳаракатлари ва шундан кейин Монголия Халқ Республикасига ва Монголиянинг Пекиндаги элчихонасига қарши янги ирговгарлик кампанияси бошланганлиги муносабати билан Монголия Халқ Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги элчихонаси Хитой ташқи ишлар министрлигига кескин норозилик билдирди.

Хитой томони, дейилади баёнотда, Монголия Халқ Республикасига қарши қилинган бундай ирговгарлик ҳаракатларида ўзининг айбдор эканлигини тан олиши зарур. Элчихона Хитой томонидан бундай жинояткорона ҳаракатларнинг қайтарилишига қарши конкрет чоралар кўришини қатъий талаб қилади.

ВАТАНПАРВАРЛАР ИРОДАСИ БУКИЛМАЙДИ

Латин Америкасидаги бир қанча мамлакатларнинг диктаторлик режимлари ва уларнинг АҚШдаги ҳомийлари ватанпарварларга қарши қилаётган ёвузликлар тўғрисидаги ҳабарлар Тошкентдаги «Қизил тонг» фирмасининг радиоси орқали ҳар куни эшиттирилади. Ишчилар ва хизматчилар эрксевар халқларнинг реакция кучлари ва ўзбошимчаликка қарши олиб бораётган кескин курашини зўр эътибор билан кузатиб турибдилар.

Асосий корхонанинг иккинчи цехида митинг ўтказилди. Фирма коллективи Латин Америкасининг ватанпарварлари билан бирдамлик туйғуларини ана шу норозилик митингида изҳор қилишди.

— Венесуэла ва Никарагуада, Перу ва Гаитида, Парагвай ва Колумбияда,—деди тикувчи Рая Калачева, — ўз мамлакатларининг озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган ватанпарварларнинг қони тўкилмоқда. Бу мамлакатларда ва Латин Америкасидаги бошқа мамлакатларда демократик ҳаракат тарафдорларига қарши очиқдан-очиқ қилинаётган террор реакцион кучларнинг қуч-қудратини эмас, балки заиф эканлигини исбот қилади. Биз, совет кишилари ўзимизнинг интернационал бурчимизга содиқмиз. Биз Латин Америкаси мамлакатлари меҳнаткашларининг курраши билан тамомила бирдам эканлигимизни билдирамиз. Бутун прогрессив инсоният уларга ҳайрихоҳдир.

— Коммунистлар,—деди моторист Масура Сенатуллаева,— Латин Америкаси мамлакатларининг ўз ҳуқуқлари учун курашаётган халқларига етакчилик қилмоқдалар. Коммунистлар жонларини аямай, халққа ҳалқ фронтини ташкил этишга ёрдам беришмоқда. Биз уларнинг ғалабаларини ўз ғалабаларимиз деб биламиз.

ОБ-ҲАВО

Бугун кундузи Қорақалпоғистон АССР ва Бухоро областларида ҳавонинг ўзгариб туриши, ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади. Бошқа областларда ҳам ҳаво ўзгариб туради. Фарғона водийсида вақтивақти билан ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлади, 25-30, айрим жойларда 34. Фарғона водийсида 21-26 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди, 27-29 даража иссиқ бўлади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
(5-канал)

Ўзбек тилида: 16.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 17.00—**Қўғирчоқ телевизион театри**, 17.25—**Телевизион янгиликлар**, 17.40 — **Қуёш диёридаги учрашувлар** (ҳужжатли фильм), 18.30 — **Тарих нуқтаи** («Ёшлик» студияси), 19.05 — **Концерт**, 19.50 — **Телевизион янгиликлар** (рус тилида). 20.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
(5-канал)
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 16.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 17.00 — **СССР тарихи. Она тили** (олий ўқув юртига кирувчилар учун ўқув эшиттиришлари программаси), 18.00 — **Паустовский — болаларга** (ёзувчи туғилган кунининг 75 йиллигига), 18.20 — **Телевизион янгиликлар**, 18.30 — **Эсперанто — тинчлик ва дўстлик тили** («Ёшлик» студияси).

19.00 — **Москва кўрсатади.**

Ўзбек тилида: 20.00 — **Ҳужжатли фильмлар**, 20.20 — **Телевизион янгиликлар**, 20.30 — **Кўк тамғали машина** (телефильм), 20.55—**Узбекистон композиторларининг янги асарлари**, 21.55 — **Қон-қариндош** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
(9-канал)

Рус тилида: 16.55—**Эшиттиришлар программаси**, 17.00 — **Кенса кедр дарахти қиссаси** (болалар учун мультфильм), 17.20 — **Концерт** (бадиий ҳаваскорлар ижросида), 17.55 — **Ҳақиқат музикаси** (илмий-оммабоп фильм), 18.15 — **Мен — иноҳаваскор** (ҳужжатли фильм), 19.15 — **Концерт**, 19.40—**Узоқ ва яқин** (телефильм), 20.00—**Верико Анжапаридзе** (илмий-оммабоп фильм), 20.25 — **Татьяна Крамова** (телеспектакль), 21.55 — **Концерт.**

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/V да **Қотил**, 28/V да **Алишер Навоий.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27-28/V да **Гавҳари шамчироқ** (ёзги бинода).

ДУШАНБА ШАҲРИДА
30 майда
1947 ЙИЛДА ЧИҚАРИЛГАН
3 % ЛИ
давлат ички ютуқлар заёмининг
117-АСОСИЙ
ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ
УЙНАЛАДИ.

Тиражнинг 22 разрядидаги умумий суммаси 10230440 сўмлик 187000 ютуқ, шу жумладан 5000, 2500, 1000, 500, 100, 40 сўмлик ютуқлар ўйналади.

3% ли заём облигацияларини сотиб олингиз!

СССР геология министрлигининг
НЕФТЬ ВА ГАЗ ҚАЗИЛМАЛАРИНИ ҚИДИРИШ ВА ГЕОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
геофизика сектори бошлиғи вакант вазифасида ишлаш учун
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Конкурсда **фан докторлари, фан кандидатлари** ёки **ишлаб чиқаришда кўп йиллик стажга эга бўлганлар** қатнашишлари мумкин.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ҳафталик муддатгача қабул қилинади.

Тошкент шаҳар, Ш. Руставели кўчаси, 114-уйга мурожаат қилинсин.

«УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» МАХСУС ТРЕСТИНИНГ ПУСКОНАЛАДКА ИШЛАРИ САНОАТИ БЎЙИЧА УРТА ОСИЁ БОШҚАРМАСИГА
инженер ва техниклар, Тошкентда ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида ишлаш учун **электриклар, электр ўлчови асбобларини тузатиш бўйича асбобсозлар**

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Педагогическая кўчаси, 75-уй, кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин. Телефон Ж-7-09-46.

1-«СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» ТРЕСТИНИНГ 4-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИГА
5-6 разряддаги **экскаватор машинистлари**, 4-5 разрядли **машинист ёрдамчилари, бульдозерчилар** (4-5 разрядли), 4-6 разрядли **ер қазиш техникаси слесарлари** ва **автослесарлар**

КЕРАК

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Тошкент шаҳар, 95, Октябрь район, Университет кўчаси, 10-уй, кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин. («Тошкент» меҳмонхонасидан 38-автобус билан охирги остановкасига етмасдан).

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ:

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ
1967-68 ўқув йилининг
кундузги ва сиртқи бўлимларига қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

агрономия, агрохимия, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ер тузилиши (сиртқи бўлим фақат агрономия мутахассислиги бўйича).

Кундузги бўлимга 30 ёшгача ва сиртқи бўлимга ёшидан қатъий назар, тўлиқ ўрта маълумотли киши лар қабул қилинади. Ўқиш муддати 2 йилу 6 ой. Тўлиқсиз ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати 3 йилу 6 ой. Кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширганлар конкурс йўли билан қабул қилинадилар.

Колхоз ва совхозларда икки йил иш стажига эга бўлганлар ва Совет Армияси сафидан қайтиб келганлар маълум даражада енгилликлардан фойдаланадилар.

Танланган мутахассислик кўрсатилган ариза директор номига ёзилади ва қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), характеристика, таржимаи ҳол, медицина справкаси (286-форма), учта фотосурат (3х4), паспорт, ҳарбий билет ёки прописка гувоҳномаси шахсан кўрсатилади.

Кундузги бўлимга аризалар 1 июндан 1 июлгача қабул қилинади, кириш имтиҳонлари 1 дан 20 августгача, сиртқи бўлимга аризалар 31 ноябргача қабул қилинади, кириш имтиҳонлари 1 дан 16 декабргача ўтказилади.

Тўлиқсиз ўрта маълумотлилар рус тили ёки ўзбек тили (диктант), математика (ёзма ва оғзаки); тўлиқ ўрта маълумотлилар рус тили (иншо), ўзбек группаларида — ўзбек тили, иншо, математика (оғзаки), химия (оғзакидан кириш имтиҳонларини топширадилар.

Кириш имтиҳонларисиз тўлиқсиз ўрта мактабни аъло баҳолар билан тамомлаган ва тўлиқ ўрта мактабни олтин ёки кумуш медаль билан тамомлаганлар ўз аризаларига биноан қабул қилинадилар.

Техникумни муваффақиятли тамомлаганлар танланган асосий касбдан ташқари қўшимча ҳунарларни ҳам ўрганадилар: трактористик, пахта териш машинаси ҳайдовчилари, лаборант-анализчи, ерни ўғитлантириш бўйича механизатор ва ҳаваскор-шофер.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 37, Парашютная кўчаси, 17-уй. (10-трамвай, 8, 10, 14-автобусларнинг «Известия», 2, 7-троллейбуслар, 10, 11, 49, 61, 62-автобусларнинг «Собир Раҳимов» остановкалари).

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛИ ТРАНСПОРТИ ТЕХНИКУМИ
қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

тепловоз хўжалиги, йўл хўжалиги, қурилиш ва ундан фойдаланиш, сим алоқаси, темир йўл транспортида автоматика ва телемеханика, саноат ва граждан қурилиши, радиоалоқа ва радиоэшиттириш,

Техникумга 8—10-синф ҳажмида маълумоти бўлганлар қабул қилинади.

Аризалар 1 августгача қабул қилинади, кириш имтиҳонлари — 1 дан 20 августгача.

Темир йўл транспортининг ҳамма мутахассислиги бўйича **сиртқи бўлимга** ҳам **ўқувчилар қабул қилинади.**

Ариза қуйидаги адресга юборилади: Тошкент шаҳар, 25, 2-Сарикульская кўча, 3-уй (1, 2, 5, 8, 9, 10, 12, 13-автобусларнинг «Будёновская» ёки «Сарикульская» остановкалари), телефонлар В-8-40-85, В-8-43-25, В-8-44-96.

ЎЗБЕКИСТОН ССР НОН МАҲСУЛОТЛАРИ ВА КОМБИНАЦИЯЛАШТИРИЛГАН ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТЕХНОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ
1967-68 ўқув йилига
қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

тегирмон-крупа саноати, донларни сақлаш ва **маҳсулотни ишлаш, элеватор, тегирмон** ва **омбор хўжаликлари.**

қуйидаги мутахассислик бўйича сиртқи бўлимга: **тегирмон-крупа саноати, донларни сақлаш** ва **маҳсулотни ишлаш.**

Ўқиш муддати тўлиқсиз ўрта маълумотлар учун уч ярим йил, сиртқи бўлимда — тўрт ярим йил, тўлиқ ўрта маълумотлар учун кундузги бўлим — икки ярим йил, сиртқи бўлим — уч ярим йил.

Тўлиқсиз ўрта маълумотлар рус тили ёки ўзбек тили (диктант), математика (ёзма ва оғзаки); тўлиқ ўрта маълумотлар рус тили ёки ўзбек тили (иншо), математика (оғзаки)дан кириш имтиҳонларини топширадилар.

Кирувчилар маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), таржимаи ҳол, учта фотосурат (3х4), медицина справкаси (286-форма), турар жойидан справка, сиртқи бўлимга кирувчилар меҳнат дафтарчасидан кўчирма тақдим этадилар.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 48, 2-Сельмаш проезди, 15-уй, телефонлар Е-6-02-16, Е-6-02-26 (4, 14-трамвайларнинг «ТошМИ», 3, 8, 10, 16, 21, 48-автобусларнинг «Ташсельмаш» остановкалари).

Ўзбекистон ССР Молия министрлиги
САМАРҚАНД МОЛИЯ ТЕХНИКУМИ
1967-68 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

Техникум қуйидаги мутахассисликлар бўйича республиканинг молия, страхование ташкилотлари ва бюджет корхоналари учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўрта квалификацияли ходимларни тайёрлайди:

давлат бюджети, давлат кирими, давлат страхованиеси, бюджет ҳисоби.

Тўлиқ ва тўлиқсиз ўрта маълумотли, 30 ёшгача икки жинсдаги кишилар қабул қилинади. Ўқиш муддати тўлиқ ўрта маълумотлилар учун 1 йилу 6 ой, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар учун 2 йилу 10 ой.

Кирувчилар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонларини топширадилар: тўлиқ ўрта маълумотлилар — рус тили ёки ўзбек тили (иншо), математика (ёзма ва оғзаки), тўлиқсиз ўрта маълумотлилар — рус тили ёки ўзбек тили (диктант), математика (ёзма ва оғзаки).

Танланган мутахассислик кўрсатилган ариза директор номига ёзилади ва қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), таржимаи ҳол, тўртта фотосурат (3х4), медицина справкаси (286-форма), паспорт, ҳарбий билет ёки прописка гувоҳномаси шахсан кўрсатилади.

Аризалар 1 июндан 31 июлгача қабул қилинади, кириш имтиҳонлари 1 дан 20 августгача.

Қабул қилинганлар стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Самарқанд шаҳри, Профессор кўчаси (7-автобуснинг «Лолазор» остановкаси), телефон 3-37-36.

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИНИНГ
химия-технология факультети
(Тошкент шаҳар, Т. Шевченко кўчаси, 1-уй)
БУГУН
кеч соат 7 да
факультетни тамомлаб кетган ўртоқлар билан
ТАНТАНАЛИ КЕЧА
ЎТКАЗАДИ.

Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетининг инспектори К. В. Шендиновичга
онаси
Анна КАННИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС ВА ТЕЛЕФОНЛАР: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — В36545, Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323, Масъул секретарь — В34455, Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283, Партия турмуши — В33469, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — В31216, Коммунистик тарбия — В31455, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780, Совет қурилиши — В33258, Қишлоқ хўжалик—В37804, Адабиёт ва санъат — В32036, В37221, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451, Маҳаллий ахборот ва спорт—В32347, Оммавий ишлар ва хатлар—В38679, В33553, Иллюстрация—В34424, Стенографистка—В37343, Корректура — В37162, Эълонлар — В38142, Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258..

№ А — 123. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64543. Р—04343